

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

22-сон  
(1094)  
2023 йил  
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

182. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон Фармони
183. «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон Фармони [Кўчирма]
184. «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори
185. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданий мерос соҳасида давлат бошқа-

рувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПҚ-177-сон қарори

### ***Бешинчи бўлим***

186. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023-yil 24-maydagi 5-q/q-son hamda Adliya vazirligining 2023-yil 27-maydagi 2-son “Toshkent davlat yuridik universitetida o‘qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 29-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2780-5*)
187. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 майдаги 14-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 30 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўйхат рақами 3435*)
188. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 10 майдаги 11/2-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 5 майдаги 11-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 30 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўйхат рақами 2342-11*)
189. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 29 майдаги 7-мҳ-сон «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 30 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўйхат рақами 3436*)
190. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 25 майдаги 13-сон «Алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида bemorлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 30 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўйхат рақами 3437*)
191. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 23 майдаги 04/05-05/01-сон «Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

*вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди,  
рўйхат рақами 2147-3)*

192. Ўзбекистон Республикаси рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 25 майдаги 06/05-05/01-сон «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан тахжил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-3*)
193. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 22 майдаги 10-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 20 майдаги 27-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 16 майдаги 13-сон «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро обьектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси худудида яшаётган фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2749-2*)
194. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 24 майдаги 12-сон ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 23 майдаги 4-қ/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириқча ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтихон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-2*)
195. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 19 майдаги 263-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3026-1*)
196. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 30 майдаги 15-сон «Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3438*)
197. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 13 майдаги 8-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил

12 майдаги 10-2023/ққ-сон, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 3 майдаги 2-қ/қ-сон, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 2-сон ва Транспорт вазирлигининг 2023 йил 5 майдаги 3-сон «Қурилиш соҳаси малакали мутахассислари ни тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳакида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-1)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукукий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **182 Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бутун мамлакат миқёсида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар қимматбаҳо навларининг кесилишига муддатсиз мораторий амал қилмоқда.

Шу билан бирга, республикада худуд раҳбарлари, экология ва атроф-муҳитни ҳамда хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътиборсизлиги натижасида соҳада ўтган даврда жиддий камчиликларга йўл қўйилган, айrim ҳолларда эса табиатга ва жамиятга тиклаб бўлмас даражада зарар етказилган. Хусусан:

худудларда, айниқса шаҳарларда ҳаво ифлосланиши бўйича ҳолат тобора ёмонлашиб бормоқда, атмосферага чиқариладиган ташланмаларнинг юкини камайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган;

дараҳтлар ва буталарни кесилишига эълон қилинган мораторий даврида 44 мингга яқин, шундан 9,5 мингга яқин қимматбаҳо дараҳтлар ноқонуний кесилиши натижасида табиатга 36 миллиард сўмлик зарар етказилган;

дараҳтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфальт билан қоплаш, уларга турли электр чироқ ва реклама мосламаларини илиб қўйиш дараҳтларнинг жиддий шикастланишига сабаб бўлмоқда;

жамиятда ҳайвонларга, шу жумладан ўй ҳайвонлари ва қаровсиз ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда, уларни идентификация, чиплаш, вакцинация ва стерилизация қилишнинг замонавий тизими мавжуд эмас;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда чорва моллари назоратсиз ва тизимсиз боқилиши ҳолатларининг ортиб бориши, ер ости сувларидан илмий асосларсиз фойдаланиш экотизимларнинг бузилишига, катта ер майдонлари деградациясининг ортишига ҳамда уларнинг чўлланишига олиб келмоқда, оқибатда иқлим ўзгаришининг таъсири кучаймоқда, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилмоқда;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 июнда эълон қилинган.

2022 йилда экологик хукуқбузарликлар юзасидан 27 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича енгил молиявий жарима жазоси қўлланилган холос;

мавжуд полигонларнинг ҳолати экологик ва санитария талабларига жавоб бермаслиги ҳамда улар фаолиятида қайта ишлаш ва утилизация технологиялари жорий қилинмаганлиги уларнинг келгусида экологик фожиа дарајасидаги муаммога айланиш хавфини келтириб чиқармоқда.

Рақамли технологиилар асосида замонавий экологик мониторинг механизмини яратиш, экологик маданиятни янада ошириш, биохилма-хилликни асраш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тартибга солиш, дарахт, буталарни экиш ва яшил ҳудудларни ташкил қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг янги тартибларини жорий қилиш орқали экологик вазиятни тубдан яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ушбу Фармон билан юклатиладиган янги вазифа ва функцияларни инобатга олиб, Табиат ресурслари вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) деб қайта номлансин.

2. Вазирлик Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Мажкамасига киритсан:

а) экология ва атроф-муҳитга заар етказиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларни оғир жиноятлар тоифасига киритиш;

б) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига қўйилган мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш. Бунда, қўшимча равишда ноконуний кесилган дарахт ўрнига компенсациявий дарахт кўчатларини айнан дарахт кесилган жойга экиш мажбуриятини белгилаш ҳамда юридик шахсларга нисбатан базавий хисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллашни жорий этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг ноконуний овланиши оқибатида ҳайвонот дунёсига етказилган заар учун ундириш суммаларини 10 бараварга ҳамда ўсимликларни ўсишдан тўхташ даражасигача шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан уларга етказилган заар учун ундириш суммаларини 5 бараварга ошириш;

г) саноат, майший ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаш ҳамда суюқ майший чиқиндиларни тўқканлик учун маъмурий жарималар миқдорини 10 бараварга оширган ҳолда қўллаш.

Бунда, қўшимча равишида юридик шахсларга нисбатан базавий хисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллашни жорий этиш;

д) сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузганлик учун маъмурый жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш;

е) ўрмон фонди:

ерларини ноқонуний бериш ва улардан фойдаланиш бўйича алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш;

ерларида ноқонуний бино-иншоотлар ва иморатларни қуриш бўйича алоҳида жиноят таркибини киритиш ҳамда унинг санкцияларини сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун белгиланган санкцияларга тенгглаштириш;

ж) ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 10 бараварга ошириш ва ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни ҳайвонларни боқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

з) Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ҳамда чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини белгилаш ва қўллаш тартибини қонун даражасида тартибга солиш ҳамда берилган имтиёзларни бекор қилиш;

и) барча ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш квоталарини ўрнатиш масаласини қонун даражасида тартибга солиш.

3. 2023 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида «Жамоатчилик экология назоратчisi» тизими жорий қилинсин ҳамда қўйидагилар назоратчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари этиб белгилансин:

экологик ҳуқуқбузарликни аниқлаш, тегишли далолатномани расмийлаштириш ва Эконазорат платформасига киритиш;

фаолиятини амалга оширишда маҳсус билим ва кўнкимларни олиш учун бепул таълим олиш ва малакасини ошириш;

аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан кўрилган чоралар юзасидан ахборот олиш, ҳуқуқбузарга жазо тайнинлаш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

самарали фаолият учун қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақ олиш.

Жамоатчилик экология назоратчилари ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уни расмийлаштириш жараёнида шаффофликни таъминлаш, коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда маълумотларнинг ҳаққоний тайёрланишига мажбурдирлар.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими киритилсан.

5. Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида қўшимча 6 та штат бирлигидан иборат бўлган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма) ташкил этилсан.

Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларидағи табиатни муҳофаза қилиш бўйича худудий маҳсус прокуратуралар фаолияти Бошқарма томонидан мувофиқлаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларига экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси назорат йўналишида жами 70 та штат бирликлари ажратилади;

Бош прокуратура тизимида жорий этилаётган 77 та штат бирлиги Вазирлик тизимининг умумий штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилади.

6. Вазирлик тузилмасида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат экологик назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ташкил этилсин.

Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг қўриқлов ходимлари ҳамда ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлирида давлат инспекторлари (ўрмон инспекторлари) штат бирликлари Инспекцияга ўтказилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция ўз фаолиятида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири — Давлат бош экология инспекторига бўйсунади ва унинг олдида ҳисобдор бўлади;

Инспекция бошлиғи экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири — Давлат бош экология инспектори тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекция бошлиғи мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазир ўринbosарига тенглаштирилади;

Инспекция давлат экологик назоратини амалга оширишда унга нисбатан Вазирликнинг қонунчиликда белгиланган вазифалари, ваколатлари ва хуқуқлари татбиқ этилади;

Инспекция ходимларининг иш режими ва юкламалари ҳудуд майдони ва аҳолининг сонидан келиб чиқсан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан Инспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади;

Инспекцияга тегишли автотранспорт воситалари «ЕСО» давлат рақамларининг маҳсус сериясига эга бўлади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар Инспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиши шарт;

Инспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, хужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

Инспекция томонидан тадбиркорлик субъектларига тегишли худудларда табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан, атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойилклари, сув ресурслари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ қонунчиликка риоя қилиш бўйича экологик мониторинг доирасида ўтказиладиган тадбирлар тадбиркорлик фаолиятини текшириш хисобланмайди ҳамда улар мансабдор шахслар ва давлат органлари билан келишилмайди.

8. Республиканинг туман ва шаҳарларида атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимини тубдан такомиллаштириш, салбий таъсирнинг юзага келишини прогнозлаш механизмининг қўйидаги тартиблари ўрнатилсин:

а) республика худудлари бўйича:

2023 йил 1 декабрга қадар туманларда (шаҳарларда) атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга ошириш учун автоматлашган кичик станциялар 1-иловага\* мувофиқ харид қилинади ва ўрнатилади. Бунда:

кичик станциялар Вазирлик томонидан тасдиқланган техник талаблар ва худудларга жойлаштириш хариталари асосида Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан ўрнатилади;

харидлар республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган сусда маблаглари хисобидан амалга оширилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри худудида ўрнатиладиган автоматлашган кичик станциялар маълумотлари атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш орқали визуаллаштирилиб, расмий веб-сайтларда реал вақт режимида мунтазам янгила борилади;

в) 2025 йил якунига қадар республика худуди бўйича атмосфера ҳавосининг табиий ифлосланиши юқори бўлган худудларни прогнозлаш ва аҳолини барвақт огоҳлантириш тизими синов тариқасида жорий этилади.

9. Атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаларнинг мониторингини сифатли олиб бориш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган графикка асосан 2024 йил якунига қадар атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектларга, 2025 йил якунига қадар — II тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектларга қўйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

атмосфера ҳавосига устувор турғун (ташкиллаштирилган) ифлослантирувчи манбалардан чиқадиган ташланмаларни таҳлил қилувчи автоматик мониторинг станцияларини ўрнатиш;

юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг санитар ҳимоя зоналарини автомат стационар кузатув постлари билан жиҳозлаш.

Белгилансинки:

чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ва автома-

\* 1-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тик мониторинг тизимларини ўрнатиш учун хўжалик юритувчи субъектларга халқаро молиявий институтларнинг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали 100 млн АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилади;

2023 йил 1 июлдан бошлаб мазкур бандда кўзда тутилган ускуналарни ўрнатган (ёки шартномага асосан 15 фойиздан ортиқ тўловларни амалга оширган) корхоналарга атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловларини тенг улушларда 36 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат этилади;

мазкур Фармоннинг ушбу бандида кўзда тутилган ускуналарни ўрнатмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари 5 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага ва II тоифага кирувчи янги обьектларни лойиҳалаштиришда юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва (ёки) локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши кўзда тутилмаган лойиҳаларни давлат экологик ва шахарсозлик экспертизаларидан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган обьектларни, уларни ўрнатмаган ҳолда фойдаланишга қабул қилиш ман этилади.

10. Белгилансинки, чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ва автоматик мониторинг станцияларини ўрнатиш учун кичик тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

ускуналарни ҳарид қилиш ва ўрнатиш учун 2026 йил 1 январга қадар жалб қилинадиган кредит суммаси 5 млрд сўмдан ошмайдиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган (IV ва V тоифадаги туманлар (шаҳарлар) бўйича 40 фоизидан кўп бўлмаган) қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача «2+1» тамоили асосида компенсация тақдим этилади;

2026 йил 1 январга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача (IV ва V тоифадаги туманлар (шаҳарлар) бўйича 75 фоизигача), бироқ 2,5 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади.

11. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланишнинг тоза сув ва санитария, иқлим ўзгариши оқибатлари билан қурашиб, барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, экотизимни сақлаш каби мақсадларига эришиш учун республиканинг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни экологик баҳолаш тизими жорий қилинсин.

Бунда, 2024 йил якунига қадар Вазирлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳокимликлар томонидан халқаро тажриба асосида республиканинг барча ҳудудларини экологик баҳолаш бўйича индикаторлар асосида «eco-indicator.uz» рейтинги шакллантирилади ва ҳар бир ҳудуднинг экологик паспорти эълон қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, Тошкент

шахри ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимларни 2024 йил 1 июнга қадар ҳар бир ҳудуднинг 2030 йилгача мўлжалланган экологик «мастер-режа»сини маҳаллий ва хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин. Бунда:

экологик «мастер-режа» Вазирлик билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади;

ҳудудлар раҳбарлари экологик «мастер-режа» ижроси ва унинг натижадорлиги юзасидан ҳар чорақда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, жамоатчилик олдида ҳисобот бериб боради ва Вазирликка амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот киритади;

экологик «мастер-режа»ларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Белгилансинки, Вазирлик таклифига асосан «мастер-режа» ижроси ва унинг натижадорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда ушбу масалага маъсъул шахсларга нисбатан мукофотлаш ёки интизомий жазо чорасини кўриш учун асос бўлади.

12. Вазирликнинг Миллий табиий мерос обьектлари рўйхатини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлик:

2024 йил 1 январга қадар республиканинг миллий аҳамиятга эга табиат обьектларини, шу жумладан ноёб ва тақрорланмас экотизимлар, биохилма-хиллик турлари ва табиий ландшафтларни хатловдан ўтказсин ҳамда Миллий табиий мерос обьектлари рўйхатини тасдиқлаб, эълон қилсин ва доимий равишда янгилашиб борсин;

2024 йил 1 январдан бошлаб Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN), ЮНЕСКО ва ФАО билан биргалиқда ҳамкорлик дастурини амалга оширган ҳолда, халқаро репрезентатив рўйхатларга Ўзбекистон табиий мерос обьектлари номинацияларини тақдим этиш чораларини кўриб борсин.

13. Вазирликнинг республиканинг яшиллик даражасини ошириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш ҳамда ўрмончилик ва ўрмон кўчатчилигини ривожлантиришда қўйидагича тубдан янги тизимни жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 500 миллиард сўм ажратилиши таъминланади ва маблағлар:

«яшил белбоғ», «яшил боғ» ва «яшил жамоат парк»лар ҳамда «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ва доимий фойдаланувчига топширилгунга қадар сақлаб туриш;

табиий шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда, асосий темир йўл ва магистрал автойўллар бўйида дарахт кўчатларини экиш;

ҳар бир туман ва шаҳарда 5 гектардан кам бўлмаган майдонларда боғлар барпо этиш;

дараҳт кўчатларини экиш, ер участкаларини тайёрлаш ва лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш;

урӯғчиликни ривожлантиришда оналик плантацияларни кенгайтириш, бу орқали сифатли уруғ ва қаламчаларни тайёрлаш;

ўрмончилик ва ўрмон кўчатчилигини ривожлантириш, шу жумладан, ёпиқ илдизли тизими билан тувакда етиштириш усулини қўллаш ва дараҳт туридан келиб чиқиб, камида уч йил давомида парваришланаш;

сугориш тизимларини ташкил этиш ва сув чиқариш қудукларини ўрнатишга сарфланади;

б) ҳар йили шаклланадиган ва тасдиқланадиган йиллик Ўзбекистон Республикасининг манзилли кўкаlamзорлаштириш инвестиция дастури амалга оширилади. Бунда дастур:

тадбирларнинг асосий параметрлари ҳамда йил учун мақсадли мўлжаллар;

дараҳт кўчатлари экиладиган автомобиль ва темир йўллар ёқаларининг манзилли рўйхати;

соҳа ва тармоқлар, худудлар, ташкилотлар кесимида манзилли рўйхатлар;

тадбирларни амалга оширишнинг аниқ молиявий механизмлари ва манбаларини ўз ичига олади;

в) манзилли кўкаlamзорлаштириш инвестиция дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириша:

буортмачи, лойиҳачи ва пудратчи қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади;

Вазирлик томонидан экологик экспертиза ўтказилади;

дараҳт кўчатларини экиш, сугориш, парвариш қилиш, «яшил боғлар», «яшил жамоат парклари», «яшил қалқон» ва «яшил қоплама» химоя ўрмонзорларини ташкил этиш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувоғиқ амалга оширилади;

г) 2023 йил якунига қадар ҳар бир давлат ташкилоти ва ҳокимликнинг тегишлича бюджетдан ташқари ва маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан ўз боғлари ташкил этилади ҳамда уч йил давомида парваришланади. Бунда:

ташкилотларнинг боғлари туманлар (شاҳарлар) марказий худудларида 50 сотиҳдан 2 гектаргача бўлган майдонларда;

боғларни барпо этиш «Яшиллойиҳа» лойиҳалаш институти ва Давлат экологик экспертизаси маркази томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета хужжатлари асосида амалга оширилади;

давлат ташкилоти ва ҳокимликларнинг барпо этиладиган боғлари учун ер майдонларини аниқлаш ва маблағларни ажратиш Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади;

д) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир йирик саноат корхонаси (атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи) томонидан ўз ва туташ худудларида Вазирлик билан келишилган лойиҳа асосида уч йил давомида «яшил белбог»лар барпо этилади;

е) Вазирлик ва унинг тизимида ташкилотлар республика ҳаво ҳудуди-

дан фойдаланишда учувчисиз учадиган аппаратлар парвози учун аризалар (буюртманомалар)ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, учирин билин боғлиқ бошқа тўловлардан озод этилади.

14. Кўчатчилик соҳасида профессионал меҳнат бозорини яратиш, ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушкини қисқартириш учун шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

уй шароитида ёки касаначилик асосида дараҳт ва бута кўчатларини (ниҳол) этиштириш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуфулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) хисобланади;

синов тариқасида ўрмон хўжаликлари ҳудудида кўчат этиштириш, экилган кўчатларни парваришлиш, ўрмонзорлар барпо этиш ишлари аутсорсинг асосида жисмоний ва юридик шахсларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

ўрмон хўжаликлирида кўчат этиштирувчи питомникларни ташкил этиш мақсадида, хўжаликлар ҳудудларининг узоқ муддатли ижарага бериладиган участкалари Вазирлик томонидан белгиланади;

давлат ўрмон фонди участкалари фақат «E-auksion» платформаси орқали ижарага берилади;

Жамоатчилик экология назоратчиларига улар томонидан базавий хисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ижтимоий солик тўланган тақдирда, қонунчиликда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун жорий қилинган пенсияни хисоблаш учун иш стажини хисобга олиш тартиби татбиқ этилади.

Белгилансинки, бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзида уй шароитида кўчат (ниҳол) этиштириш ёки Жамоатчилик экология назоратчиси фаолияти билан шуфулланишлари мумкин.

15. Белгилансинки, республикада қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишлар «Ноль чиқинди» (Zero waste) тамойиллари асосида янги тартиб ва механизмлар орқали амалга оширилади. Бунда, қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

чиқиндиларни майший чиқинди турларига қараб, алоҳида-алоҳида тўплаш ва олиб чиқиб кетиш;

янгидан ҳосил бўлаётган чиқиндиларни полигонларга йўналтирмасдан, максимал даражада қайта ишлаш (Recycling) ёки куйдириш, соҳага айланма (циркуляр) иқтисодиёт амалиётини жорий қилиш;

барча мавжуд полигонлардаги чиқиндиларнинг босқичма-босқич тўлиқ қайта ишланиши ва куйдирилишини таъминлаш;

чиқиндиларни куйдириш натижасида олинадиган иссиқлик ёки электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқ бўлган қисмини ахоли ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мавжуд энергетика ва коммуникация тармоқларига тўлов эвазига, шу жумладан «яшил тариф» қўлланган ҳолда йўналтириш;

ушбу тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджетидан «яшил субсидиялар» ажратиш тизимини жорий этиш.

Вазирлик 2023 йил 1 сентябрга қадар майший чиқиндиларнинг комплекс бошқаруви бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Вазирлик, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб бир йил муддатга Асака тумани, Бухоро ва Термиз шаҳарларида чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 августдан бошлаб хавф-хатарлик даражаси II — IV тоифа бўлган янги қурилиш обьектларининг:

лойиҳа ҳужжатларининг архитектура қисми Вазирlikning ҳудудий бўлинмалари билан келишилади;

смета қийматини шакллантиришда қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш харажатлари ҳам кўзда тутилади;

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиша қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш ва полигонларга жойлаштириш бўйича шартнома тузиш мажбурияти белгиланади;

б) давлат экологик экспертизаси хulosаси белгиланган тартибда Давлат экологик экспертизаси маркази раҳбари ҳамда унинг вилоятлар ва Тошкент шаҳри филиаллари раҳбарлари томонидан тасдиқланади, шунингдек, Вазирlikning расмий веб-сайтида эълон қилинади (маҳсус ва ҳарбий обьектлар бундан мустасно);

в) 2024 йил 1 январдан бошлаб хавф-хатарлик даражаси III-IV тоифа бўлган барча янги қурилиш обьектлари лойиҳалари, шу жумладан, гидро-техника иншоотлари лойиҳалари қурилиш зонасидаги иқлим билан боғлиқ хатарларни ҳисобга олиш бўйича Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан бериладиган мониторинг маълумотлари асосида амалга оширилади;

г) 2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-мухитга таъсири бўйича I — IV тоифаларга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказиш жараёнида Вазирlik томонидан углерод нейтраллигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланади. Бунда:

фаолият туридан келиб чиқиб, атроф-мухитга таъсири баҳолаш материалларида ишлаб чиқариш натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари миқдори ҳамда углерод изини (carbon footprint) камайтиришнинг аниқ кўрсаткичлари лойиҳа паспорти билан белгиланади;

белгиланган кўрсаткичлар асосида углерод изини камайтириш бўйича давлат экологик экспертизаси хulosасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

давлат экологик экспертизаси хulosасида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилади, унинг натижалари қонунчиликда белгиланган тартибда жарима ва қўшимча компенсация тўловларини қўллашга асос бўлади;

давлат экологик экспертизаси хulosаси ва унинг бажарилиши юзасидан

олиб борилган ишлар бўйича ахборот Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

д) 2024 йилдан бошлаб марказлашган инвестиция лойихалари ҳамда атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифага кирувчи фаолият турларига оид марказлашмаган инвестиция лойихалари белгиланган тартибда давлат экологик экспертизадан ўтказилади;

е) 2024 йил 1 январдан бошлаб эксперимент тариқасида Хукумат томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ атроф-муҳитга таъсири бўйича III-IV-тоифага кирувчи фаолият турларига оид лойихалар нодавлат ташкилотлари томонидан экологик экспертизасидан ўтказилиши мумкин;

ж) 2023 йил 1 июлдан бошлаб чиқинди полигонларини хусусийлаштириш тақиқланади. Бунда, чиқинди полигонлари худудларини чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга ижарага бериш, уларни тозалаш ҳамда бўшатилган ер участкаларини реализация қилиш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

18. Вазирлик 2024 йил 1 январгача технологик жараёнларнинг экологик меъёрларга ва талабларга мувофиқлигини баҳолашга асосланган «яшил сертификатлаш» ҳамда маҳсулотлар ва хизматларни экологик маркировкалаш тизимини йўлга қўйишни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини киритсин.

19. Вазирлик, Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил 1 декабрдан бошлаб республикада электромобилларни тез қувватлантириш станцияларини барпо этишни жадаллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Нукус шаҳри, вилоятларнинг маъмурий марказлари ва вилоят бўйсунуvida бўлган шаҳарлар худудларидағи автомобилларга ёқилғи қўйиш шоҳобчалари, сифими 100 автомобилдан ортиқ бўлган автотурагоҳлар ҳамда бозорлар худудида;

«Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридори автомагистраль йўлларида жойлашган автомобилларга ёқилғи қўйиш шоҳобчалари, савдо ва кўнгилочар марказлари худудида камида 2 каналли 60 кВт ва ундан юқори қувватли электромобилларни қувватлантириш станцияларини барпо этишнинг мажбурий тартибини ўрнатиш.

Белгилансинки, Экология жамғармаси хисобидан «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридорининг чўл ва сахро қисмида қуёш электр станцияларини курган ҳолда биринчи 50 та электромобилларни тез қувватлантириш станцияларини барпо этиш учун ҳар бир лойиҳага 100 млн сўмдан маблағлар субсидия сифатида ажратилади.

20. Вазирлик 2023 йил 1 июлдан бошлаб аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида атроф-муҳитни ҳимоялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган «Чиқиндиларни оммавий йиғиш» (ЎзПлоггинг) умуммиллий ҳаракатини ташкил этсин. Бунда:

сектор раҳбарлари ушбу тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, тадбирларга кенг жамоатчилик ва экофаолларни жалб этишга масъул бўлади;

жамоат парклари, яшил боғлар, тоғли худудлар, сув ҳавзалари атрофи

ва бошқа атроф-мухитга таъсири катта объектларда хайрия югуриш марафонлари, атроф-мухитда пиёда (Плалкинг) ва велосипедда сайд қилиш (Пликинг) вақтларида чиқиндиларни саралаб йиғиш кунлари ўтказилади;

саралаб йиғиш кунларида мусобақалар ўтказилиб, босиб ўтилган масофа ва саралаб йиғилган чиқиндилар ҳажми асосида ғолиблар аниқланади ва Вазирлик томонидан рафбатлантирилади.

21. Республика таълим муассасаларида ёшларнинг табиатга бўлган меҳрини ўйротиш, уларни табиат ҳимоячиси сифатида тарбиялаш мақсадида Вазирлик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига қўйидаги вазифалар юклатилади:

«Ёш экологлар» харакати доирасида туман, шаҳар ва республика дараҷасида атроф-мухит муаммолари юзасидан «Табиатга меҳр» инновацион ва интеллектуал лойиҳалар танловини ўтказиш;

оммавий ахборот воситаларида «Табиат мадхияси» (музиқа ва матни) учун танлов эълон қилиш ва ғолибларни аниқлаш;

табиатни асраб-авайлаш борасида бутун жаҳон ва мамлакатимизда нишонланадиган мухим экологик саналарга бағишилаб тадбирларни ташкил этиш ва унда «Ёш экологлар» харакати фаолларини рафбатлантириш;

ёш экологлар сафини кенгайтириш мақсадида «Ёш экологлар» харакати қурултойини ташкил этиш, тарихий шаҳарларда (Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм) йирик анжуманларни ташкил этиш;

табиатга доир инновацион лойиҳа ва натижадор таклифларга эга салоҳиятли ёшлар учун «Ёш экологлар» харакати кўкрак нишонини таъсис этиш орқали ёшлар жамоасини шакллантириш;

умумтаълим мактабларининг Миллий ўқув дастурига (табиий фанлар, физика, биология, география, кимё фанлари доирасида) жами 132 соатлик «экосоат» дарсларини киритиш.

22. Вазирлик Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда шаҳарларда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг сувни тежаш ва унинг ифлосланишини камайтиришга қаратилган қўйидаги тартибни жорий этсин:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб Нукус шаҳрида:

ичимлик сувидан фойдаланиш бўйича кўп қаватли ўйлар ўртасида «Тежамкор ўй» ва «Тежамкор хонадон» рейтинг тизимини ишга тушириш;

йил якунига кўра, энг кам сув ишлатган 20 та хонадон ҳамда хонадонларининг 50 фоизидан ортиги белгиланган меъёрлардан кам сув ишлатган 20 та кўп қаватли ўйларни рафбатлантириш;

ғолиб хонадон ва ўйларга Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуёш панеллари ёки ўй атрофини ёритиш мосламаларини бепул ўрнатиб бериш;

б) мазкур тажрибани 2025 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри ва барча вилоят марказларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жорий қилиш.

23. Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ташкил этилсин.

Бунда, Университетга ўқув адабиётларини сотиб олиш, илмий тадқиқот-

ларни ҳамда инновацион ишларни олиб бориш фаолиятини молиялаштириш учун Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига келиб тушадиган маблағларнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратиб борилади.

24. Вазирлик экотуризм, тоғ, ов ва сафар туризм соҳасини янада ривожлантириш, ўрмон хўжаликлари ва миллий табиат боғларининг (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно) имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда тегишли инфратузилма обьектларини барпо этиш, хорижий ва маҳаллий сайёхларга муносиб шарт-шароит яратиш ва хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича масъул орган этиб белгилансин.

Вазирлик ҳамда Маданият ва туризм вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи «Табиатга саёҳат» экотуризмни ривожлантириш миллий дастурини (кейинги ўринларда — Миллий дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

ҳар бир давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар, ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари, тоғли ва чўл ҳудудлари ҳамда сув обьектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида (кейинги ўринларда — экоҳудудлар) туризм хизматлари турларини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш;

экоҳудудларнинг брендини яратиш ва унинг асосида тарғибот кампанияларини ташкил этиш;

экоҳудудларга инвестицияларни жалб қилган ҳолда «пикник» зоналар, манзарали томоша қилиш майдончалари, экоуйлар мажмуаси, юрта, «глэм-пинг» ва кемпинг лагерлари ҳамда ташриф марказлари (visitor center) ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда осма дор йўллари, электромоторли қайик, қорда ҳаракатланишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва квадроцикллар, «банжи-жампинг» ва «зиплайн» аттракционлар, аэростатлар, «рафтинг» ва «флайбординг», фидирак устидаги уйлар ва ер усти транспорт воситалари каби туризм хизматларини йўлга қўйиш;

ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича ихтисослаштирилган питомникларни ташкил этиш;

тоғли ва чўл ҳудудлarda экстремал туризмни ривожлантириш;

экоҳудудларда янги туризм хизматларини (шу жумладан, Planting Tour, Plogging Tour ва бошқалар) ва экоакцияларни ташкил қилиш.

Белгилансинки, Вазирлик ушбу бандда кўрсатилган тадбирларни ҳамда экоҳудудларда кичик экотуризм кластерларини ташкил этиш, уларни ривожлантириш мастер-режалари ва режалаштирилаётган инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишини Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш хуқуқига эга.

25. Белгилаб қўйилсанки, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлик:

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг лойиҳаларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда ижтимоий буюртмалар бериб боради;

ижтимоий буюртмалар доирасида Экология жамғармасидан маблағлар ажратиб боради ҳамда ўз расмий веб-сайтига бу ҳақда эълон жойлаштиради;

ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилган ишлар натижалари-нинг умумий муҳокамасини ташкил этади ва уларни ишлаб чиқариш жараё-нига татбиқ этиш чораларини кўради.

Вазирлик уч ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш бўйича низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

26. Вазирлик 2023 йил 1 июлгача қўйидагиларни назарда тутувчи Республикада ташкил этиладиган экологик акциялар маҳсус платформасини ишга туширсин:

атроф-муҳитни асрашга оид ташкил этилиши режалаштирилган акциялар ва лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб бориш;

эковолонтёрларнинг акциялар ва лойиҳаларни ташкил этишга кўмакла-шиши ва уларни ўtkазиб бўйича аризаларини кўриб чиқиш ҳамда Вазирлик фаoliyatiga кўмаклашиши бўйича маълумотларни киритиш;

фаол волонтёрларни рағбатлантириш тартиби ва волонтёрлар жалб эти-ладиган йўналишлар рўйхатини жойлаштириш.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритисин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 3-ило-вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

29. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қо-нунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи тегишли норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

30. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаoliyatini мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 31 май,  
ПФ-81-сон

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 31 майдаги  
ПФ-81-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб топилаётган айrim ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон Фармонининг 1, 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги «Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5580-сон Фармонининг 2-банди «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2966-сон қарори 1 — 3-бандлари ва қарорга 1 — 4 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4896-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошиси, 8-банди ва қарорга 4 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**183 Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида\***

**[Кўчирма]**

Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 бараварга ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оиласлар қамрови 5 баробарга кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланганлиги мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Хусусан, давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига қўмаклашиши бўйича конституциявий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштириш тизими жорий этилиши талаб этилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эълон қилинган «ижтимоий давлат» таъмйилларини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлако янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилиш;

ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали аҳолининг қўмакка муҳтоҷ қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил этиш, оғир ҳаётий ахволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий суғурта механизмлари билан қамраб олинишини кенгайтириш;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 5 июняда эълон қилинган.

хавф гурухларига тушиб қолган оиласларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечириши учун қулай мухит яратиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), шунингдек, унинг Қо-рақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилсин.

### 3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириладиган ва мониторинг қилинадиган фаолият йўналишлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

### 4. Қўйидагилар Агентлик тузилмасига ўтказилсин:

а) 2023 йил 15 июндан бошлаб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидан:

Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий марказлари;

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун «Мурувват» ва «Саховат» интернат-үйлари;

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;

### б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

Софлиқни сақлаш вазирлиги тизимидан болалар үйлари;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан меҳрибонлик уйлари;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидан вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оиласларий болалар үйлари;

### в) 2024 йил 1 августдан бошлаб:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари;

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидан имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари;

г) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

Ички ишлар вазирлиги тизимидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимидан Ижтимоий суурита жамғармаси.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг Паралимпиячиларнинг матонат мактабини 2023 йил 15 июндан Агентлик тузилмасига ўtkазиш ҳамда Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институтининг фаолиятини ҳамкорликда мувофиқлаштириш бўйича таклифи маъкуллансин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган ташкилотлар ва таркибий тузилмалар амалдаги молиялаштириш манбалари, штат бирликлари, хукуқ ва мажбуриятлари, мол-мулки ҳамда бошқа товар-моддий бойликлари билан биргаликда тўлалигича Агентлик тузилмасига ўtkазилади.

5. Ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб Агентликнинг туман (шаҳар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ходимлар гуруҳлари ташкил этилсин ва қўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хар бир хонадон ахволини ўрганиб, оиласлардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

оиласларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва эҳтиёжларини ўрганиш натижасида уларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириш;

эҳтиёжманд аҳоли билан, шу жумладан кейс-менежмент усулини қўлланган ҳолда самарали иш ташкил қилиш, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилиш, заруратга қараб буюртмаларни масъул вазирлик ва идораларга юбориш;

оғир ахволга тушиб қолган ва оғир ахволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оиласларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ташкил этиш.

6. Белгилансинки:

Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Агентлик ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустакил равишда амалга оширади.

7. Агентлик хузурида қўйидагилар ташкил этилсин:

Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри бошқармалари;

Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази;

Ижтимоий ҳимояни ривожлантириш институти;

Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг бўлинмалари негизида Агентлик марказий аппарати таркибида Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси ҳамда унинг худудий бўлимлари.

8. Ўз вазифаларини амалга оширишда Агентликка қўйидаги ҳукуқлар берилсин:

ваколатли давлат органларига ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дастурлар талабларини бажармаганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни қўллаш бўйича тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлам вакиллари учун давлат олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида имтиёзли тарзда ўқишига қабул қилиш параметрларини белгилаш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг мутахassisларини жалб этиш;

ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорлар, халқаро ташкилотлар ва эксперталар билан ҳамкорлик юзасидан ва бошқа шартномаларни тузиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори лавозими киритилсин;

Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича шуъба ташкил этилсин.

#### 10. Агентлик:

а) 2023 йил 15 июля қадар ЮНИСЕФнинг эксперталарини жалб қилган ҳолда ва уларнинг дастурларига мувофиқ ижтимоий ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга кўйисин.

Бунда, хорижий ва маҳаллий малакали эксперталарни жалб қилган ҳолда ахолига маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш мутахassisларини тайёрлашга эътибор қаратсин;

б) 2023 йил 1 августга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасида ижтимоий ходимларни ўқитиш дастурларини қайта кўриб чиқсин;

в) 2023 йил 15 августа қадар ахолини ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурлари бўйича, шу жумладан уларнинг мобил

алоқа воситаларига маълумот юбориш орқали хабардор қилиш амалиётини жорий этсин;

г) 2023 йил 1 сентябрга қадар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳитни ташкил қилиш бўйича таклиф киритсин;

д) қўйидагиларни:

2023 йил 1 июлга қадар аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш вазифалари Агентликка ўtkазилиши муносабати билан бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан маҳалла даражасида фаолият юритаётган тузилмаларнинг тақрорловчи функцияларини бекор қилишга оид норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини;

2023 йил 1 августга қадар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда аҳолининг ижтимоий муаммоларини маҳалла даражасида ҳал этишга қаратилган профессионал хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

2023 йил 1 сентябрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Агентлик тузилмасига ўtkазилган ижтимоий муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича таклифларни;

2024 йил 1 январга қадар меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий суғурта механизmlари билан қамраб олиш даражасини оширишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

е) 2024 йил 1 январга қадар:

давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартларини ҳамда уларнинг ижросини мониторинг қилиш мезонларини;

ногиронлиги бўлган шахсларни уйда парваришиш билан банд бўлган оила аъзоларига кўмаклашиш бўйича ижтимоий ҳимоя механизmlарини ишлаб чиқсин;

ж) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини йўлга қўйсин;

з) ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муаммо ва таклифларни муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик вакилларидан иборат кенгаш ташкил этсин.

11. Агентлик Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимини ишга туширсин унинг зарур идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциясини ва доимий тақомиллаштириб борилишини таъминласин.

12. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими Агентлик тасарруфига ўtkазилади;

ахолига күрсатыладыган барча турдаги ижтимоий хизматтар ва ёрдамлар, шу жумладан кам таъминланған оиласы болалари учун нафақа ва моддий ёрдамлар бүйічә аризалар «Ягона миллий ижтимоий қимоя» ахборот тизими орқали қабул қилинади;

б) «Ягона миллий ижтимоий химоя» ахборот тизимини жорий этиш доирасида:

Агентлик сўровига асосан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан вазирлик ва идораларнинг электрон мъалумотлар базалари интеграцияси таъминланади;

аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш, фуқаролардан мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш учун электрон тарзда мутасадди вазирлик ва идораларга юбориш ҳамда жараённи мониторинг қилиш асосида амалга оширилади;

мазкур бандда назарда тутилган электрон ахборот базалари маълумотлари асосида ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирадиган ижтимоий паспортлар жорий этилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб «Мехр дафтари», «Саховат ва кўмак», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва кўмаклар қамраб олинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари дастури З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Хар хафтанинг жума куни «Мехр ва саховат куни» сифатида белгиланиб, барча давлат органлари ва ташкилотлари эҳтиёжманд ахоли, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда хайрия тадбирларини ўтказсин.

15. Агентлик ҳузурида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ташкил этилсін ҳамда жамғарма маблағларининг харажатлари йүналишлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

16. Агентлик 2023 йил 1 сентябрға қадар Ижтимоиј ҳимоя давлат жамғармаси тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасыға кирицсин.

Бунда, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағларини олувчиладар ҳамда молиялаштириш манбай кесимида маълумотлар шаклланиши ва ҳаражат қилинишининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш механизмини жорий этиш кўзда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 5-иловага\*\* мувофик қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсан.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

\* З-илова «Қонунчылық маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## \*\* 5-илова берилмайди

ликаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 июнь,  
ПФ-82-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 1 июнданги  
ПФ-82-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари**

**I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш:**

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга мухтоҷ шахслар ва оиласалар бўйича ижтимоий ёрдам дастурларини ишлаб чиқиш;

кафолатланган ижтимоий хизматлар стандартларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

аҳолининг турли гурухлари билан ишлайдиган профессионал «ижтимоий иш» хизматини ташкил этиш;

ижтимоий шерикликни кенгайтириш, нодавлат сектор ва маҳаллий ҳамжамиятларни турли хил хизматлар кўрсатиш ва аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга янада фаол жалб қилиш учун рафбатлантириш чораларини яратиш;

соҳани рақамлаштириш орқали ижтимоий ҳимоя тизими шаффофлигини таъминлаш ва жараёнларни аҳоли учун қулай тарзда ташкил қилиш.

**II. Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишида:**

ногиронликни баҳолаш ва аниқлашнинг тиббий моделидан ижтимоий мөделига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни юқори сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш соҳасини ривожлантириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш;

жамиятда ижтимоий мослашув ва интеграция учун шароит яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, инклюзивликни таъминланишини мувофиқлашириш ҳамда уларга қулай мухит шакллантирилганлигини назорат қилиш;

ижтимоий ҳимояга мухтоҷ шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан жамият онгига соғлом фикрни шакллантириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга уй шароитида ижтимоий хизматларини ташкил қилиш;

ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлайдиган ихтисослаштирилган интернат, таълим муассасалари ва реабилитация марказлари фаолиятини такомиллаштириш.

### **III. Вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш йўналишида:**

болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, шу жумладан оиласа асосланган болаларни парвариш қилишнинг муқобил шаклларини ривожлантириш;

фарзанд асраб олиш тизимини такомиллаштириш;

ижтимоий ҳимояга мухтоҷ болалар хукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш;

ҳимояга мухтоҷ болаларни даволашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш.

### **IV. Аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишида:**

аёлларни зўравонлик ва жинсий зўравонлик таъқибидан ҳимоя қилишда профессионал ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

зўравонликдан азият чеккан аёлларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан бошпана (шелтер) ва реабилитация марказлари ишини ташкил қилиш.

### **V. Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оиласалар билан ишлаш йўналишида:**

оиласаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, болаларни оиласалардан ажратишнинг олдини олиш, ота-оналарнинг кўникмаларини ривожлантириш;

оғир ҳаётий вазиятда бўлган ҳомиладор аёллар, ёлғиз ота-оналар ва ёш болали оиласаларни қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил қилиш;

оғир ҳаётий вазиятларда бўлган оиласалар фарзандлари учун ижтимоий хизматларни ривожлантириш;

паллиатив ёрдамни ташкил қилиш.

## **VI. Ёшлар билан ишлаш йўналишида:**

психосоциал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш; алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари битирувчиларини турли ташкилотлар томонидан тақдим қилинган ижтимоий хизматлар, йўлланма ва сўровлари асосида психолого-гик саломатлик, зарур қўникма ва таълим олиш, касбга, ишга ва тадбиркорлик қилишга йўналтириш тизимини йўлга қўйиши.

## **VII. Якка ёлғиз ва кексалар билан ишлаш йўналишида:**

ўйда парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлаш хизматларини ташкил қилиш; қариялар уйлари ва бошқа муассасалар негизида профессионал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш; зўравонликдан ҳимоя қилиш.

## **VIII. Ижтимоий таъминот дастурлари йўналишида:**

ижтимоий суғурта тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш; ахолини ижтимоий суғурта тизимига жалб қилиш бўйича рафбатлантирувчи механизмларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 1 июндаги  
ПФ-82-сон Фармонига  
4-ИЛОВА

## **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблагларининг харажатлари йўналишлари**

### **a) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:**

«Мурувват» ва «Саховат» интернат-үйларида, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ҳамда пансионатларда ижтимоий хизматларни ташкил этиши;

ахолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли ҳамда бепул стационар даволанишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўқув, дидактик ва бошқа муқобил материаллар билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни маданий тадбирлар ва спортга жалб этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон воситаларини сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш;

ногиронларни иш билан таъминловчи корхоналарни субсидиялаш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган иш жойларини ташкил этиш харажатларини қоплаш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг имкониятлар ва қулай муҳит яратишга қаратилган дастур ва чора-тадбирларни молиялаштириш;

Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари ва хизматларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, шу жумладан асбоб-ускуналар, инвентарь, автотранспорт воситалари, диагностика воситалари, ихтисослаштирилган тиббий-реабилитация ускуналари ҳамда ўқув материаллари ва бошқаларни харид қилиш;

Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шартнома асосида жалб қилинадиган юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассисларнинг харажатларини (мехнатга ҳақ тўлаш, яшаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) молиялаштириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар, шу жумладан чет элда ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш ва иштирок этиш билан боғлиқ бошқа тадбирлар;

107 қисқа рақамли туну кун фаолият кўрсатадиган хизматни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

«Ижтимоий карта»ларни жорий этиш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

халкаро маслаҳатчилар, консалтинг ва тадқиқот компанияларини ёллашни молиялаштириш, илфор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш чора-тадбирлари;

жойларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва харакатланиш имконияти чекланган шахслар учун, шунингдек, аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига «Ижтимоий такси» хизматини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

ижтимоий ҳимоя соҳасини автоматлаштириш ва рақамлаштириш тадбирларини молиялаштириш;

ногиронларнинг функционал имкониятларини баҳолаш хизматини ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича лойиха ва дастурларни молиялаштириш;

кам таъминланган оиласаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамлар тўлаш;

бир марталик ёрдам пуллари тўлаш;

## **б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:**

ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини ўқотганлик нафақаларини тўлаш;

ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналар учун нафақаларни тўлаш;

бала туғилиши учун бериладиган нафақалар (суюнчи пули)ни тўлаш; дафн маросими харажатларини қоплаш;

етим ва чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш;

Мехрибонлик ўйлари ва болалар ўйлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

вояга етмаган болаларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш хизматларини молиялаштириш;

«Мехр дафтари»га киритилган етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ёрдам кўрсатиш;

етим ва чин етимларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарнинг иқтидорли болаларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирлар харажатларини қоплаш;

етим ва чин етим болаларнинг соғлигини сақлаш, саломатлигини тиклаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, таълим бериш, касб-хунарга ўйналтириш ва ишга жойлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшига етмаган болаларга психологик ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва тарбиялаш тадбирларини ташкил этиш;

қаровсиз ва бошпанасиз қолган болалар, зўравонлик қурбони бўлган болалар, жиноят қурбонлари ва гувоҳлари, жиноят содир этган ва жиноий жавобгарлик ёшига етган ҳамда фуқаролик процессида иштирок этаётган болаларнинг ижтимоий ва хуқуқий ҳимоясини ташкил этиш;

вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва республика таълим муассасаларининг лойиҳа ва дастурларини молиялаштириш;

оиласарда (ҳомийликка олинган) тарбияланаётган ҳар бир етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш;

### **в) 2024 йил 1 июлдан бошлаб:**

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда овқатлантириш харажатларини қоплаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарнинг фарзандларига давлат мактабгача таълим ташкилотлари хизматлари учун ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарнинг фарзандларини кийим-кечак, ўқув қуроллари, дарсликлар, иш юритиш материаллари билан таъминлаш;

эҳтиёжманд аҳоли қатламига тиббий, психологик ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

уй-жойга муҳтоҷ, ота-онасидан ёки улардан биридан маҳрум бўлган вояга етган қизлар, шунингдек ёлғиз она, ёлғиз ота ёки ўзгалар қарамоғида бўлган чин етимларни уй-жой билан таъминлаш;

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдамлар тўлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларга юридик ёрдам ва давлат божини тўлаш харажатларини қоплаш;

ОИВ инфекцияси ва бошқа ҳаёт учун хавфли ва сурункали ноёб (орфан) касалликлар билан касалланган 18 ёшгача бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга бир марталик моддий ёрдам пули тўлаш;

оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларга бир марталик моддий ёрдам ва субсидиялар бериш, уларнинг куз-қиши мавсумида коммунал тўловлари ва иситиш ёқилғисини харид қилиш харажатларини қисман қоплаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларнинг ўқиш ва даволаниш билан боғлиқ харажатларини қисман қоплаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларнинг жамоат транспортидан фойдаланиш харажатларини қоплаш.

**г) 2025 йил 1 январдан бошлаб:**

Ижтимоий сувурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиши нафақаларини тўлаш;

паллиатив ёрдам кўрсатиш марказлари ва шелтерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳалар ва дастурларни молиялаштириш, шунингдек, доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ошхоналар ташкил этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган шахсларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, «Имкон» реабилитация марказига эга кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар, имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари лойиҳалари ва қўллаб-қувватлаш дастурлариши молиялаштириш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**184 Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимига ўтказилаётган ташкилотлар фаолиятини ташкил қилиш жадвали 2-иловага\*\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида янги ташкил қилинаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали 2а-иловага\*\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидағи қайта ташкил қилинаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали 2б-иловага\*\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\*\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухит муҳофазаси, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларидаги норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш режаси 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга биринчирилган кўчмас мулк объектлари, транспорт воситаларига ва бошқа мол-мулкка бўлган хуқуқлар тегишли йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилсин.

2. Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ишларини амалга ошириш учун Вазирлик тузилмасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ситуацион марказ ташкил этилсин.

Белгилансинки, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқа-тишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларини жорий

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 июня ғарбиётидан эълон қилинган.

\*\* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этиш учун Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг ҳар йили З фоиздан кўп бўлмаган миқдордаги маблағлари ажратиб борилади.

3. Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) доирасида қабул қилинган мажбуриятларни бажариш, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифаларга эришиш ҳамда яшил трансформация, шу жумладан, «яшил сертификат» ва экологик маркировкалаш тизимларини жорий этишга масъул бўлган Вазирликнинг умумий штатлари доирасида давлат муассасаси шаклидаги Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази ташкил этилсин.

4. Вазирликнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2023 йил 1 июлга қадар «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва ободонлаштириш бошқармаларига тегишли қаттиқ майший чиқинди полигонлари Вазирлик тасарруфиға ўтказилади ҳамда шу билан боғлик эгалик ҳуқуқини, шу жумладан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бепул амалга оширилади;

б) чиқинди чиқарувчи ташкилотлар бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, шунингдек, бузиш ишлари бошланган даврдан бошлаб ушбу тадбирлар тугаллангунга қадар қурилиш чиқиндилари бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига топширади;

в) 2025 йил 1 январга қадар тиббиёт муассасалари, ветеринария ва фармацевтика соҳаси ташкилотларининг чиқиндилари бўйича қўйидаги тартиб босқичма-босқич жорий этилади:

чиқиндиларни йиғиши ва сақлаш соҳа ташкилотлари томонидан;

ушбу чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва утилизация қилиш санитар тозалаш корхоналари томонидан марказлашган ҳолда амалга оширилади;

г) 2026 йил 1 августдан бошлаб босқичма-босқич ушбу қарорнинг 6-7-иловаларида\* белгиланган товарларга нисбатан фойдаланиш хусусиятини ўқотганидан сўнг атроф-мухитга зарар етказувчи айрим қадоқлаш материаллари ва товарларни ишлаб чиқарувчи (экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно) ҳамда республика ҳудудига импорт қилувчиларнинг «кенгайтирилган мажбурияти» тизими жорий этилади;

д) 2023 йил 1 июлдан бошлаб қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун вужудга келган дебитор қарздорликни мажбурий тартибда ундириш учун суд органларига даъво аризалари санитар тозалаш хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан киритилади.

5. Вазирлик уч ой мuddатда Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида экологик вазиятни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндисиз ҳудудга айлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

6. 2024 йил 1 январдан бошлаб Бўстонлиқ ва Зомин туманларидаги туристик-рекреацион зоналарда экологик тоза ҳудуд режими татбиқ этилсин.

7. Вазирлик Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирлик ва идора-

\* 6-7-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда киритсин:

а) экологик тоза худуд режимини жорий қилиш юзасидан:

бир марталик пластик маҳсулотлар, шу жумладан, стаканлар, пластик найчалар, музқаймоқ таёқчалари, пахта таёқчалари, қадоқлаш плёнкаси ва айрим турдаги полиэтилен пакетларини олиб кириш, сотиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш;

қишлоқ хўжалигида органик ўғитлардан фойдаланишни рағбатлантириш;

фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларни марказлаштирилган оқова сув тизимиға улаш ёки муқобил тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш мажбуриятини киритиш. Бунда, ушбу мажбуриятни бажармаган жисмоний шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача, юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллаш;

автотранспорт воситалари билан кириш учун экологик йиғим ундириш, бундан электромобиллар, маҳсус транспорт воситалари ва экологик тоза худуд режими жорий қилинган худудда яшовчи фуқароларнинг автотранспорт воситалари мустасно;

экологик тоза худуд режими татбиқ этиладиган худудларнинг ташкил этилиши ҳамда бошқа шартлари ва талабларини белгилаш;

б) республика худудида қалинлиги 100 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни (юқори зичликдаги полиэтилен (HDPE), ўрта зичликдаги полиэтилен (MDPE), паст зичликдаги полиэтилен (LDPE), ўрамли паст зичликдаги полиэтилен (LLDPE), кўп қаватли полиэтилен (COEX) ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тақиқлаш юзасидан. Бунда:

ушбу тартиб экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган, хўжаликда фойдаланиш учун рулонларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик чирийдиган полимер материаллардан тайёрланган пакетларга татбиқ этилмайди;

мазкур кичик банд талабларини бузиш табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик сифатида баҳоланади ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бунда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарари миқдори табиий муҳитга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби асосида аниқланади;

в) республикада сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ва вилоят марказларида сув айланма тизими мавжуд бўлмаган автомобиль ювиш шохобчалари фаолиятини ҳамда янги автомобиль ювиш янги шохобчаларини ташкил этишни тақиқлаш.

8. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари 8-иловада\* белгиланган манбалардан шакллантирилади;

Филдиракли транспорт воситалари, ўзиорар машиналар ва уларнинг тир-

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

камалари учун утилизация йигимиининг 26 фоизи Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

9. Мамлакатимиз аҳолисининг орасида экологик онг ва экологик маданият тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши масалаларига бағишинган муҳим саналар бўйича тадбирлар 9-иловага\* мувофиқ календарь режа асосида республика бўйлаб юқори савияда ташкил этилсин.

Белгилансинки, ушбу тадбирларни ўтказишга тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

10. Вазирлик 10-иловага\* мувофиқ халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

11. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида амалга ошириладиган истиқболли беғараз кўмак (грант) лойиҳалари рўйхати 11-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, қўшимча келишувларсиз экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирига ҳамда унинг ўринбосарларига ушбу халқаро тадбирларда иштирок этишга руҳсат берилади.

#### 12. Қўйидагилар:

2023 — 2025 йилларда экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида тизимли равища ўтказиладиган халқаро конференциялар, ассамблеялар ва тадбирлар рўйхати 12-иловага\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган истиқболли лойиҳалар 12а-иловага\* мувофиқ;

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида амалга ошириш тавсия қилинадиган инновацион бизнес ғоя ва стартап лойиҳалари рўйхати 12б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Вазирлик 2023 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш ва ортиқча истрофгарчиликларнинг олдини олиш ҳамда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсияларини (Global Initiative on Food Loss and Waste Reduction) жорий этиш мақсадида қўйидагиларни назарда тутувчи «Оқилона истеъмол» дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат органлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда озиқ-овқат истеъмолининг оқилона меъерини белгилаш, ортиқча истеъмолни камайтириш, шу жумладан, бир шахсга бир марталик овқатланиш микдорини белгилаш;

умумий овқатланиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ва истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан масъулиятини ошириш;

аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш одатларини шакллантириш ва ортиқча

\* 9 — 12б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

исрофгарчиликнинг олдини олиш ҳамда меъёридан ортиқ истеъмолни тарғиб қилишни чеклаш;

исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан молиявий чоралар кўриш ва назорат механизмларини ўрнатиш.

14. Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларида қофоздан фойдаланишни кескин камайтириш, айрим йўналишларда фаолиятни тўлиқ рақамлашириш орқали қофоздан тўлиқ воз кечиш бўйича назорат ўрнатишга масъул этиб белгилансин.

15. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда волонтёрларни жалб қилган ҳолда 2023 йил 1 июлдан бошлаб бир ой давомида ҳудудларда дараҳтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфальт қопламаларидан, уларни турли чироқ мосламаларидан, реклама баннери ва шитларидан бўшатишга қаратилган «Дараҳтга нафас беринг» оммавий тадбирини ўтказсин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Вазирлик билан биргаликда доимий равишда аҳоли ўртасида дараҳтларга бундай зарар етказиш тегишли жавобгарликка тортишга асос бўлиши тўғрисидаги ижтимоий роликлар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар орқали тушунтириш ишларини кучайтиrsин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Вазирлик билан биргаликда: экология, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларига 2023 йилда 20 млн АҚШ доллари, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган хорижий инвестицияларни жалб қилсан. Бунда, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигидан тегишли ходим Вазирликка амалий ёрдам бериш учун бириктирилади;

чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ва автоматик мониторинг тизимларини ўрнатиш учун хўжалик юритувчи субъектларга халқаро молиявий институтларнинг маблағлари ҳисобидан тијорат банклари орқали 100 млн АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилишини таъминласин.

17. Вазирлик бир ой мuddатда 2022 — 2026 йилларда Оролбўй минтақасини барқарор ривожлантириш, инновациялар ва яшил технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўйидаги асосий йўналишларни белгилашни назарда тутувчи миллий дастур лойиҳаси бўйича ахборот киритсан:

яшил қопламалар — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишни изчил давом этириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тизимли ривожлантириш;

илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмани яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, қайта ишлаш ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш;

аҳоли саломатлигини тиклаш, экологик туризмни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш;

донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини кенг жалб қилиш бўйича халқаро алоқаларни янада кучайтириш.

18. Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимидағи ташкилотларни юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар билан тўлдириш ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 июлдан бошлаб бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан:

халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 500 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларини тамомлаган (нострификация бўлган дипломга эга) шахсларга — лавозим маошининг 30 фоизи;

илмий даражага (PhD, DSc) (тизимдаги илм-фан ва таълим соҳасидаги ташкилот ходимлари бундан мустасно) эга шахсларга — лавозим маошининг 60 фоизигача (PhD — 30 фоиз, DSc — 60 фоиз) микдорида қўшимча устама тўлансанн;

б) 2023 йил 1 июлдан бошлаб муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар илмий ходимларига, шунингдек, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий ходимларига Фанлар академияси илмий ташкилотларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш микдорлари ва шартлари татбиқ этилсин;

в) Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалари ходимларига чегара ҳудудларига кириш ҳуқуқини берувчи маҳсус гувоҳнома (давлат белгиси ва муҳрига эга бўлган — жетон ва ID-карта) берилади.

Бунда, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси маҳсус гувоҳномага эга бўлган Вазирлик тизимидағи ходимларнинг республика чегара ҳудудларига эркин кириб чиқишини таъминласин.

19. 2024 йил 1 марта бошлаб экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинган ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларига «экомаҳалла», «экоқишлоқ» ва «экоовул» мақоми берилади. Бунда, фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудда:

электр энергияси қуёш батареяларига алмаштирилади;

йўналиши электробус ҳаракатланиши йўлга қўйилади;

«яшил боф» ва «яшил жамоат парк»лар ташкил этилади;

савдо шоҳобчаларида пластик пакетлар савдоси тақиқланади;

маиший чиқиндиларни саралаш, шунингдек, қайта ишланадиган чиқиндиларни қабул қилиш учун фондоматлар ўрнатилади;

«экомаҳалла», «экоқишлоқ» ва «экоовул» мақоми ҳудудда яшовчи фуқаролар розилиги билан Вазирлик томонидан берилади.

20. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда экспертлар ва жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда экология, атроф-муҳитни

мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмуни ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин. Бунда:

а) аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида:

атроф-муҳитга зарар етказмаслик, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, келажак авлодга экологик муаммолардан холи бўлган шарт-шароит яратиб бериш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги;

иқтисодиётнинг саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш ва бошқа тармоқларида «яшил» технологияларни қўллаш орқали табиатга етказилаётган зарарни камайтириш имкониятлари;

жамоат транспортининг афзалликлари, шахсий автотранспортдан фойдаланишни камайтириш ва бунинг оқибатида келгусида экологик ҳолатнинг тубдан яхшиланиши;

маиший чиқиндиларни тўғри таснифлаш, саралаш ҳамда иккиламчи хомашё сифатида ажратган ҳолда қайта ишлаш учун топшириш, атроф-муҳит тозалигига ҳар бир фуқаронинг масъул эканлиги;

дараҳтларни экиш, парваришлаш ва улар ноқонуний кесилишининг олдини олишга қаратилган амалий тадбирлар, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижаси;

она табиатга меҳр билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш, умумий ва шахсий масъулият ҳиссини ўйғотиш ҳамда шакллантиришга доир турли қўрсатув, анжуманлар, давра сұхбатлари кенг ёритиб борилишини таъминлашга;

б) вазирлик ва идораларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг ижроси ва уларнинг қўшаётган амалий ҳиссаси, тадбиркорлик субъектларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун «яшил» технологияларни жорий этиш, майший, қурилиш ҳамда бошқа турдаги чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш орқали бизнеснинг жамият олдидаги ролини кучайтириш юзасидан брифинглар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

21. Вазирлик мамлакатимизда атроф-муҳитни мухофаза қилиш, она табиат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, кундалик ва иш фаолияти давомида уларга зарар етказмаслик зарурлиги, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жавобгарлик чораларининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи Ўзбекистоннинг «Экологик бренд»ни яратсин ҳамда қисқа метражли роликлар ва хужжатли фильмлар яратиш ишларини ташкил этсин.

Белгилансинки, телерадиоканалларда эфирга узатиладиган мазкур роликлар ижтимоий реклама сифатида таснифланади ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ намойиш этилади.

22. Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи экология сиёсатини юритиш, экологик брендини тарғиб қилиш, ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида мавжуд штат бирликлари доирасида:

Ташқи ишлар вазирлигига З та штат бирлигидан иборат бўлган Экологик дипломатия бўлими;

Вазирлик, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига 1 — 3 та штат бирлигидан иборат бўлган экологик дипломатияга масъул тузилмалар ташкил қилинсин.

23. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни 2025 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиши шарти билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан 1 миллиард сўм миқдорида қопланади. Бунда, йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 20 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қопланади;

б) 2026 йил 1 январга қадар:

республика ҳудудига олиб кириладиган дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш обьектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, фондомат, «банжи-жампинг» ва «зиплайн» атракционлари, «рафтинг» ва «флайбординг» учун ускуналар, фотоовлашда қўлланиладиган жиҳоз ва асбоб-ускуналар, бошқариладиган (дирижабль, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, «buggy саг», файтон ҳамда электромоторли қайик, қорда харакатланишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8703 10) ва квадроцикллар божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимидан ташқари) озод қилинади;

тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кириладиган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинади;

2024 йил 1 январдан бошлаб экоҳудудларда Вазирлик ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишини амалга оширувчи юридик шахсларга мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслар томонидан тўланган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солибининг 75 фоизи тегишли бюджетлардан қайтариб берилади.

Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Маданият ва туризм вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин.

24. Давлат экологик назорати ва кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва камайтириш чораларини кўриш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида «сирли мижоз» институти жорий этилсан.

Вазирлик бир ой муддатда ушбу тизимни жорий этиш чораларини кўрсин.

25. Вазирлик Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда Янги Тошкент худудида Вазирлик ва унинг тизимидағи ташкилотлар, шу жумладан, Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетини ягона маъмурий мажмуа қурган ҳолда жойлаштиришни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини киритсин. Бунда:

а) Вазирлик биносининг лойиҳалаштирилиши Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Вазирлик биносини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ қурилиш харажатлари қўйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида белгиланадиган маблағлар;

Вазирлик ва унинг тизимидағи ташкилотларнинг кўчирилиши натижасида бўшайдиган биноларни аукцион савдолари орқали сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи (баҳолаш ва савдога чиқариш харажатларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартағи «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-102-сон қарорига асосан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели қўчаси, 13а-үйда манзилида жойлашган Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази маъмурий биноси сотилишидан тушган маблағлар;

Экология жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Университет ва Ўзбекистон давлат табиат музейи биноларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ қурилиш харажатлари 2024 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ҳолда молиялаштирилади;

г) мажмуа билан боғлиқ шахарсозлик хужжатлари Янги Тошкент худдининг бош режаси лойиҳаси доирасида ва у билан тўлиқ ўйғуллаштирган ҳолда ишлаб чиқилади;

д) Университет ётоқхонаси биносини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ харажатлар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида молиялаштирилади;

е) мажмуада «Санъат ва табиат» жамоатчилик маркази, турли галереялар ва экспозициялар ҳамда экомехмонхона жойлаштирилади, шунингдек, экологик тоза маҳсулотлар савдосига мўлжалланган савдо дўконлари фаолияти йўлга қўйилади.

26. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи тегишли норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

27. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 31 май,  
ПҚ-171-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 31 майдаги  
ПҚ-171-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги фаолиятининг устувор ўйналишлари**

Куйидагилар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятининг устувор ўйналишлари ҳисобланади:

а) табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва иқлим ўзгариши соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

б) табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат экологик назоратини юритиш;

в) ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

г) гидрометеорология хизматини ташкил этиш, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини юритиш;

д) табиатни муҳофаза қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантириш, экологик тарбия, тарғибот, таълим ва илмий тадқиқотларни қўллаб-куватлаш ишларини тизимли ташкил этиш;

е) «яшил» ўсиш тамойилларини жорий этиш, атроф-муҳитга заарли ташланмаларни қисқартириш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш;

ж) табиатни муҳофаза қилишга рақамли технологияларни жорий этиш,

мониторинг юритишда инсон омилини қисқартириш ва автоматлаштириш тизимини йўлга қўйиш;

з) экотуризм, ов ва сафари туризм соҳасини янада ривожлантириш, ўрмон хўжаликлари ва миллӣ табиат боғларининг (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно) имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда тегишли инфратузилма объектларини яратиш, хорижий ва ички сайёҳларга муносиб шарт-шароит яратиш ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

и) табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш учун таъсирчан чораларни қўллаш;

к) атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

л) амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг табиатни муҳофаза қилиш стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш ва қонуний чоралар кўриш;

м) юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

н) ўрмонлардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларнинг ер устида ва авиация ёрдамида қўриқланишини ташкил этишини назорат қилиш;

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**185 Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи хокимият органлари фаолиятини самарали йўлга кўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Маданий мерос агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Маданий мерос агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Маданий мерос агентлигининг хусусий секторга бериладиган функциялари рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

Маданий мерос соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Фаолияти тугатилган Туризм ва маданий мерос вазирлиги хузурида бўлган давлат муассасаси шаклидаги қўйидаги ташкилотлар Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимига ўтказилсин:

Маданий мерос обьектлари реставрацияси дирекцияси;

Маданий мерос обьектларини асраш ва туризм худудларининг мастер-режалари бўйича лойиҳалаштириш институти Маданий мерос илмий-тадқиқот институти деб қайта номланган ҳолда.

3. Қўйидагиларнинг фаолияти тугатилиб, уларнинг ваколат ва функциялари Агентликка ўтказилсин:

2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси;

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича республика ишчи гурухи.

4. Белгилансинки, моддий маданий мерос обьектлари ва музейлар соҳасида давлат назоратини кучайтириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида:

а) Агентлик ва унинг худудий бошқармалари томонидан ўтказиладиган текширувлар бўйича:

текширув ўтказишни келишиш учун буюртма ваколатли орган ва унинг худудий бўлинмалари томонидан буюртма берилган кунда кўриб чиқилади;

«хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказиладиган тек-

\* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 6 июнда эълон килинган.

\*\* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

ширувларни унинг бошланиши ҳақида тадбиркорлик субъектига хабарнома бермаган ҳолда ўтказишга рухсат берилади;

б) тегишли шартномаларга асосан унда белгилаб қўйилган аниқ муддатлар ёки ҳолатларда, бироқ ҳар чоракда камида бир марта моддий маданий мерос обьектларининг муҳофаза қилиниши, сақланиши ҳамда улардан оқилона фойдаланилишида жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан мажбурий тартибда текширилади ҳамда бундай текширувларнинг ўтказилишини ваколатли орган билан келишиш талаб этилмайди;

в) ободонлаштириш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятини олган ҳолда ижарага бериладиган моддий маданий мерос обьектлари ва уларга туаш ҳудудлар рўйхатининг факат Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан шакллантирилиши ва тақдим этилиши тартиби бекор қилиниб, ушбу таклифларни барча ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этиш тартиби жорий этилади.

5. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кенгаши фаолияти ва унинг ижрочи директори лавозими тугатилиб, Жамғарма раиси лавозими жорий қилинсин.

Бунда, ушбу Жамғарманинг режалаштирилган лойиҳалар бўйича кейинги йил учун даромад ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан ҳар йили 25 декабргача тасдиқланади.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарма раиси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси раиси ҳисобланади;

мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга тенглаштирилади;

б) Жамғарма:

Агентликка маданий мерос соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади, шунингдек, Агентлик ва унинг тизимидағи ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, ишини самарали ташкил этиш, уларга юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши бўйича тавсиялар беради;

норматив-хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Жамғармага юклangan вазифалар ва функцияларни бажарish билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгилangan тартибда Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига киритади;

в) Агентлик директори жамоатчилик асосида Жамғарма раисининг ўринbosари ҳисобланади ҳамда у Агентлик фаолиятига оид масалаларни Жамғарма раиси билан бамаслаҳат ҳолда олиб боради.

6. Агентликнинг жами 217 та бошқарув штат бирлигидан 10 та штат бирлиги Жамғармага ўтказилсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

моддий маданий мерос объектларида асрashга доир ишларни амалга ошириш, шунингдек, археология ишлари учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар доирасида музей ашёлари ва музей коллекцияларини реставрация ва тиклаш ҳамда рақамлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрashга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг ҳар йиллик манзилли рўйхати Агентлик директори томонидан тасдиқланади;

Агентликнинг ҳисоб-китобларига асосан моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрash ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ҳар йили Қорақалпогистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети манбалари ҳисобидан маблағ ажратилади;

2023 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан маданий мерос объектларида асрashга доир ишларни амалга ошириш ва уларнинг муҳофазасини таъминлаш, уларни реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археология ишлар учун ажратиладиган маблағларнинг йил давомида фойдаланилмаган қисми Агентлик хузуридаги Маданий мерос жамғармасига бюджет трансфери сифатида ажратилади;

Агентлик тизимидағи музей директорларига Агентлик билан келишилган холда, уларга ажратилган Давлат бюджети маблағлари доирасида, иқтисод қилинган маблағларни қайта тақсимлаш ҳисобидан музей ходимларига қўшимча ойлик рафбатлантириш устамалари белгилаш ваколати берилади. Бунда, рафбатлантириш миқдори Агентлик томонидан тасдиқланган давлат музейлари ходимларини қўшимча рафбатлантириш тартибига мувофиқ белгиланади.

8. Агентликка, истисно тариқасида, Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси, Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ва Яхё Фулов монидаги Самарқанд археология институти билан:

маданий мерос объектларида асрashга доир ишлар ва археологик тадқиқотлар учун чекланмаган қийматда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга;

тузилган шартномалар бўйича бажариладиган пурдат ишлари учун 50 фоиз аванс тўлашга рухсат берилсин.

9. Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1-йў манзилида жойлашган:

а) бино ва иншоотлар тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқариш ҳукуқи асосида Жамғармага берилсин;

б) бинога қўйидагилар текин фойдаланиш ҳукуқи асосида жойлаштирилсин:

Агентлик;

Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси;

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси котибияти.

Маданият ва туризм вазирлиги Жамғарма билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу бандда кўрсатилган манзилдаги объектни топшириш-қабул қилиш ишларини белгиланган тартибда амалга оширсин.

Жамғарма Агентлик билан биргалиқда бинони сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

10. Агентлик Жамғарма ва Адлия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси ва Маданий мерос агентлиги директори белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 июнь,  
ПҚ-177-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 1 июндаги  
ПҚ-177-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Маданий мерос агентлиги фаолиятининг асосий  
йўналишлари**

Қуидагилар Маданий мерос агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари хисобланади:

- а) моддий маданий мерос ва музейлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, унда иштирок этувчи давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- б) моддий маданий мерос обьектлари, маданий бойликлар, музей ашёлари ва коллекцияларини аниқлаш, уларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳамда соҳада таъсирчан давлат назоратини амалга ошириш;
- в) моддий маданий мерос ва музейлар соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, уларга оид маълумотларнинг барча учун очик бўлишини таъминлаш;
- г) маданий меросимизнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашиш ва уларни кенг оммалаштириш;
- д) моддий маданий мерос обьектларидан оқилона фойдаланиш, уларни музейлаштириш, монетизация қилиш, маблағлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мақсадли сарфланишини йўлга қўйиш;
- е) илмий-тарихий ёндашув асосида моддий маданий мерос обьектлари, маданий бойликлар, музей ашёлари ва коллекцияларини реставрация-тиклаш, асраршга доир ишларни амалга ошириш;
- ж) илфор хорижий тажрибалар асосида музейларни комплекс ривожлантириш.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI**  
**O'ZBEKISTON RESPUBLİKASI ADLİYA VAZIRLIGINING**  
**QARORI**

**186** “Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
29-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2780-5*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 23-martdagি PF-6191-son “Aholi va tadbirkorlik subyektlariga davlat xizmatlaridan foydalanishda yanada qulay sharoitlar yaratish, bu borada byurokratik to'siqlarni qisqartirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” Farmoni hamda 2021-yil 24-dekabrdagi PQ-60-son “Davlat oliy ta'lif muassasalarining akademik va tashkiliy-boshqaruv mustaqilligini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Adliya vazirligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi va Adliya vazirligining 2016-yil 22-apreldagi 1-2016, 4-son “Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 2780, 2016-yil 22-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 16-son, 172-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta'lif, fan va  
innovatsiyalar vaziri**

**I. ABDURAHMONOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 24-may,  
5-q/q-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 1-iyunda e'lon qilingan.

Adliya vaziri

A. TAShKULOV

Toshkent sh.,  
2023-yil 27-may,  
2-son

O'zbekiston Respublikasi  
Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligining  
2023-yil 24-maydagi 5-q/q-son hamda Adliya  
vazirligining 2023-yil 27-maydagi 2-son qaroriga  
ILOVA

**“Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi  
sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash  
mezonlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga  
kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Qarorning muqaddimasidagi “O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013-yil 28-iyundagi PQ-1990-son “Yuridik kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori ijrosi yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011-yil 23-avgustdagi PQ-1602-son “O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son “O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom Toshkent davlat yuridik universitetida (bundan buyon matnda Universitet deb yuritiladi) o'qitishning kredit-modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlarini belgilaydi.”;

b) 21-bandning ikkinchi xatboshisi va 56-banddagi “O'quv-uslubiy kengashi” degan so'zlar “Akademik halollik kengashi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

d) 22-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Yakuniy nazorat savollari bo'yicha ballar miqdori taqsimoti (bahoz foizi) universitet Akademik halollik kengashi qarori bilan tasdiqlanadi.”;

e) 30-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Yakuniy nazorat o'tkazilayotgan auditoriyaga auditoriya rahbari va kuzatuvchilardan boshqa shaxslarning kirishi qat'yan taqiqlanadi. Yakuniy nazorat o'tkazish jarayoni rektor, o'quv ishlari bo'yicha prorektor, O'quv-uslubiy boshqarmasining va Ta'lif sifatini nazorat qilish bo'limining rahbarlari hamda xodimlari, shuningdek dekanlar va ularning o'rinosarlari tomonidan nazorat qilib turilishi mumkin.”;

f) 31-bandning sakkizinchchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“yakuniy nazorat o'tkazish qoidalarini buzgan talabalarni elektron ta'lif platformasida tegishli dalolatnoma tuzgan holda imtihondan chetlashtirish.”;

g) 37<sup>1</sup>-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37<sup>1</sup>. I yoki II guruh nogironligi bo‘lgan talabaning mazkur Nizomda nazarda tutilgan yakuniy nazorat ishlarini kompyuterda bajarish imkoniyati mavjud bo‘limganda u yakuniy nazorat davri boshlanishidan kamida ikki hafta oldin o‘quv ishlari bo‘yicha prorekorga murojaat qiladi. Bunda, ushbu talabaning nogironligi to‘g‘risidagi tibbiy ma‘lumotnomasi yoki tibbiy-ijtimoiy ekspert komissiyasining xulosasi Universitet tomonidan tegishli davlat organlari va tashkilotlaridan, shu jumladan “Elektron hukumat” tizimi idoralararo integratsiyalashuv platformasi yoki “Ijtimoiy xizmat” elektron platformasi orqali mustaqil ravishda olinadi. Mazkur bandda nazarda tutilgan talabalar yakuniy nazoratni og‘zaki imtihon shaklida komissiyaga topshiradi.”;

h) 40-bandda:

uchinchini xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Yakuniy nazorat ishlarini tekshirish yakuniy nazorat imtihonlari yakunlangan kundan boshlab 15 ish kuni ichida amalga oshiriladi. Zaruratga ko‘ra (internet tarmog‘ida yoki elektron ta’lim platformasida texnik nosozlik yuz berganda) ushbu muddat universitet rektori tomonidan 5 ish kunigacha uzaytirilishi mumkin.”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Yakuniy nazorat ishlarini tekshirish muddati yakunlangan kundan boshlab 1 ish kuni ichida natijalar elektron ta’lim platformasida e’lon qilinadi.”;

i) 46-bandning to‘rtinchi va beshinchi xatboshilaridagi “O‘quv-uslubiy kengash” degan so‘zlar “Akademik halollik kengashi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

j) 49-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Oraliq nazorat bo‘yicha qo‘yilgan balldan norozi bo‘lgan talabalar baho e’lon qilingandan boshlab 72 soat davomida elektron ta’lim platformasi orqali apellyatsiya shikoyati berishlari mumkin. Bunda, talabalar o‘quv dasturidagi baholash mezonlariga asoslanib apellyatsiya shikoyatida o‘qituvchining taqriziga shikoyat bildirishi lozim.”;

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Zaruratga ko‘ra (internet tarmog‘ida yoki elektron ta’lim platformasida texnik nosozlik yuz berganda, talaba betobligi tufayli platformaga apellyatsiya shikoyatini yuklay olmay qolganda) ushbu muddat universitet rektori tomonidan 72 soatgacha uzaytirilishi mumkin.”;

uchinchi — o‘n to‘rtinchi xatboshilar tegishli ravishda to‘rtinchi — o‘n beshinchi xatboshilar deb hisoblansin;

oltinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Yakuniy nazorat bo‘yicha qo‘yilgan balldan norozi bo‘lgan talabalar baho e’lon qilingandan boshlab 72 soat davomida elektron ta’lim platformasi orqali apellyatsiya shikoyatini berishlari mumkin. Bunda, talabalar o‘quv dasturidagi baholash mezonlariga asoslanib apellyatsiya shikoyatida o‘qituvchining taqriziga shikoyat bildirishi lozim.”;

quyidagi mazmundagi yettinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Zaruratga ko‘ra (internet tarmog‘ida yoki elektron ta’lim platformasida

texnik nosozlik yuz bergenida, talaba betobligi tufayli platformaga apellyatsiya shikoyatini yuklay olmay qolganda) ushbu muddat universitet rektori tomonidan 72 soatgacha uzaytirilishi mumkin.”;

yettinchi — o‘n beshinchi xatboshilar tegishli ravishda sakkizinchи — o‘n oltinchi xatboshilar deb hisoblansin;

k) 54-bandda:

“v” kichik bandning birinchi xatboshisidagi “55” raqami “56” raqami bilan almashtirilsin;

“d” kichik bandi to‘rtinchi xatboshisidagi “O‘quv-uslubiy kengash” degan so‘zlar “Akademik halollik kengashi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

l) 61-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“61. O‘quv mashg‘ulotlarida kasalligi yoki hujjat bilan tasdiqlangan boshqa uzrli sabablar tufayli (yo‘l-transport hodisasi, yaqin qarindoshining vafoti, yaqin qarindoshining yoki talabaning nikoh tuzishi, farzand tug‘ilishi, fan, madaniyat va sport sohalaridagi xalqaro hamda respublika tanlovlari va musobaqalarida, harbiy kafedra mashg‘ulotlarida ishtirok etganlik, universitetning elektron ta’lim platformasida yuzaga kelgan texnik nosozlik) ishtirok etmagan va shu sababli oraliq yoki yakuniy nazoratni belgilangan muddatda topshirmagan talabaga uning arizasi hamda ilova qilingan asoslantiruvchi hujjatlarga muvofiq fakultet dekani tomonidan o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor bilan kelishilgan holda oraliq yoki yakuniy nazoratni topshirishga ruxsat beriladi.

Bunda, talaba fakultet dekani nomiga oraliq yoki yakuniy nazoratni topshirishga ruxsat berishni so‘rab, uzrli sabablar (holatlar) bartaraf etilgan vaqtdan boshlab 15 ish kuni ichida ariza bilan murojaat qilishi lozim.”;

m) 71-banddagи “O‘quv-uslubiy kengashda” degan so‘zlar “Akademik halollik kengashida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

n) 72-banddagи “O‘quv-uslubiy kengashda” degan so‘zlar “Akademik halollik kengashida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**187**

**Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3435*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдағи 75-сон ва Давлат солик қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 2021-49-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3339, 2021 йил 1 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 10/21/3339/1121-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур бўйруқ 2023 йил 1 июндан эътиборан кучга киради.

**Вазир****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 20 май,  
14-сон

---

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
20 майдаги 14-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Алкоголь маҳсулотлари\* учун энг кам улгуржи-сотиш ва  
чакана нархлар**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм хисобида	14 400	16 400
Конъяқ, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм хисобида	57 400	66 000
Арок ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм хисобида	37 000	43 000

\* Пиводан ташқари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**188** «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақла-  
ридан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгарти-  
ришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-11*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 май,  
11/2-сон

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 5 май,  
11-сон

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
 Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
 10 майдаги 11/2-сон ҳамда Иқтисодиёт ва  
 молия вазирлигининг 2023 йил 5 майдаги  
 11-сон қарорига  
 ИЛОВА

**«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан  
 пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги  
 йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган  
 ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарор муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сон «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига тўловлар тушишини рафбатлантириш чоралари тўғрисида»ги ва 2002 йил 30 мартағи ПФ-3047-сон «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиласилар:**».

2. Йўриқномада:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан (бундан бўён матнда ҳисобварақ деб юритилади) пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмагандан, маблағларни ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.»;

б) 1-баннда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ихтиёрий тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг тугатиш ҳисобварақлари ҳамда тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари асосида очилган ҳисобварақларга;»;

тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўймитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида очилган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган маҳсус мақсадли ҳисобварақларга;»;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иши ҳақи тўлаш учун банклар томонидан берилган кредитларга нисбатан қўлланилмайди.»;

в) 2-банддаги, 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «пул-хисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «пул-хисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига давлат ижрочи-лари томонидан солиқ қарзи бўйича электрон инкассо топшириқномалари қўйилган тақдирда, ушбу инкассо топшириқномалари тўғрисидаги электрон хабарнома банклар томонидан шу куннинг ўзида солиқ органига юборилади.

Солиқ органи кейинги иш кунидан кечиктирмай, ушбу электрон хабар-нома асосида ўз инкассо топшириқномаларини банклардан чақириб олади.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;

д) 4-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур маълумотлар Банк депозиторларининг миллий ахборотлар ба-заси орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ қўмитасига ахборот тариқасида юборилади.»;

е) 5-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошидаги «бирга шу ойнинг кейинги декадаси биринчи санасига, жорий ойнинг учинчи декадаси ва ке-йинчалик эса кейинги ойнинг учинчи санасигача банкка тақдим қилинади» деган сўзлар «бирга бир ойда бир марта банкка тақдим қилинади, ойнинг охирги иш куни бундан мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хўжалик юритувчи субъектнинг миллий валютадаги ҳисобвараклари-даги маблағлар қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, хиз-мат кўрсатувчи банк солиқ органларининг топшириқномаси асосида мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағнинг ушбу талабларни қондириш учун етарли бўлган миқдо-ридаги қисмини кейинги иш кунидан кечиктирмай банк томонидан чет эл валютасининг сўмга нисбатан белгиланган курсда сотади.»;

з) 2-бўлимнинг номидаги «пул-хисоб-китоб» деган сўзлар «тўлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

и) 11-бандда:

иккинчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловлари» деган сўзлар «йифим-лар» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқ органининг мажбуриятга эга шахсларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказишга доир инкассо топшириқномалари;»;

к) 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

л) 2-иловадаги «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**189 Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3436*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 29 май,  
7-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 29 майдаги  
7-мҳ-сон бўйруфига  
1-ИЛОВА

**Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва  
маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**Ахборот тизими** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

«Саноат мулки муҳофазаси портали» бўлиб, бевосита ўзига ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган талабномаларни қабул қилувчи ва улар бўйича тегишли амалларни бажарувчи маҳсус тизим;

**Қонун** — Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси тўғрисида»ги Қонуни;

**Вазирлик** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

**Муассаса** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;

**талабнома** — ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома;

**ҳуқуқ әгаси** — муаллиф, унинг меросхўри, шунингдек қонун ёки шартнома асосида мутлақ шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс.

## **2-боб. ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома**

2. Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома ЭҲМ учун яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши керак.

3. Талабнома қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи (хаммуаллифлари) ва номига ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади), шунингдек уларнинг манзили кўрсатилган, мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклдаги расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

б) ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини идентификация қиласидан депонентланган материаллар, шу жумладан реферат.

4. Талабнома берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланади ёки талабномага давлат божини тўлашдан озод қилиш, унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқловчи хужжат илова қилинади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан давлат божи тўланганлигини қўшимча хужжат талаб қилмасдан Вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишида текширилади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан талабномага белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов хужжати илова қилинади.

5. Вакил орқали топширилган аризага талабнома берувчи томонидан берилган ва вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома илова қилинади.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Талабнома хужжатлари давлат тилица тақдим этилади.

Агар талабнома хужжатлари хорижий тилда бўлса, у холда талабномага уларнинг давлат тилидаги таржимаси илова қилинади. Талабнома хужжатларининг давлат тилидаги таржимаси нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Хорижий исм-фамилиялар, ташкилотлар ва асарларнинг (ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаси) номлари давлат тилидаги транслитерацияда кўрсатилади.

7. Аризанинг (71)-коди остидаги «Ҳуқуқ эгаси (Талабнома берувчи)» графасида талабнома берувчи (талабнома берувчилар) тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахснинг фамилияси, исми (отасининг исми), бунда фамилия исмдан аввал кўрсатилади, ёки юридик шахснинг расмий номи (таъсис хужжати бўйича), шунингдек тегишлича уларнинг манзиллари, шу жумладан мамлакатнинг расмий номи ва тўлиқ почта манзили ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (бундан бўён матнда БИМТ деб юритилади) ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса) кўрсатилади.

Агар талабнома берувчилар сони бир нечта бўлса, тегишли маълумотлар уларнинг хар бири учун кўрсатилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифлари бўлган талабнома берувчиларнинг туар жойлари тўғрисидаги маълумотлар аризанинг факат (72)-коди остидаги «Муаллиф(лар)» графасида кўрсатилади. Ушбу графанинг ўзида талабнома берувчи ЭҲМ учун яратилган дастурнинг ёки маълумотлар базасининг муаллифи, муаллифнинг иш берувчиси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси эканлиги тегишли катақчада «X» белгисини қўйиш орқали белгиланади.

Номига рўйхатдан ўтказиш сўралаётган юридик шахсларнинг расмий номи (таъсис хужжати бўйича), СТИР ёки ЖШШИР, жойлашган ери манзиллари кўрсатилади.

Номига ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар учун БИМТ ST.3 стандарти бўйича тегишли мамлакат коди (агар у белгиланган бўлса) кўрсатилади.

8. Аризанинг (54)-коди остидаги «Рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси номи» графасида рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси номи кўрсатилади.

«Аввалги ёки муқобил номи» графасида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг аввалги ёки муқобил номи кўрсатилади. Ушбу графа рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси аввал «Рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси номи» графасида кўрсатилгандан бошқача номланган ёки айни пайтда бошқа номга (қўшимча равишда) эга бўлган ҳолларда тўлдирилади.

«Жамлама асар номи» графасида рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини қисм сифатида ўз таркибига

олган жамлама асар номи кўрсатилади. Ушбу графа рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси жамлама асарнинг бир қисми хисобланганда тўлдирилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилгунга қадар рўйхатдан ўтказиш факти мавжуд бўлган ҳолларда тўлдириладиган «Аввал рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар» графасида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг аввалги рўйхатдан ўтказилган рақами ва санаси кўрсатилади.

«Рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси яратилган сана» графасида рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг яратилган санаси кўрсатилади.

«Рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор эълон қилинган жой ва сана» графасида рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор эълон қилинган мамлакат номи ва сана кўрсатилади.

«Муаллифлик ҳуқуқи обьектлари бўлган асарлар тўғрисидаги маълумотлар» графасида рўйхатдан ўтказилаётган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини яратиша фойдаланилган ва муаллифлик ҳуқуқи обьектлари хисобланган асарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Аризанинг 98-кодли «Ёзишмалар учун манзил» графасида хат олувчининг тўлиқ почта манзили, номи (юридик шахс учун) ёки исми (жисмоний шахс учун), телефон рақами кўрсатилади.

Ёзишмалар учун манзил сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган манзил кўрсатилади.

Аризанинг «Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати» графаси илова қилинаётган ҳужжатларнинг варақлари сони кўрсатилган ҳолда тегишли катакчаларда «Х» белгисини қўйиб чиқиш орқали тўлдирилади.

Ариза шаклида назарда тутилмаган илова қилинадиган ҳужжатлар «бошқа ҳужжатлар» катакчасида аниқ кўрсатилади.

9. Аризанинг (72)-коди остидаги «Муаллифлар» ва «Тўлиқ турар манзили» графаларида муаллиф (муаллифлар) тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми (отасининг исми), мамлакат номи ва унинг БИМТ ST.3 стандарти бўйича кодини ўз ичига олган манзил, шу жумладан почта манзили) кўрсатилади.

Агар муаллиф ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишда муаллиф сифатида кўрсатилмасликни (аноним ҳолда қолишини) ёки ташаллус остида кўрсатилишни сўраган бўлса, «Эълон қилинганида муаллиф эслатиб ўтилсин» графасида «Х» белгиси қўйилади ёки муаллифнинг ташаллуси кўрсатилади.

10. Ариза Ахборот тизими орқали тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи томонидан маълумотлар тўғри ва тўлиқлиги текширилади ҳамда тасдиқланади. Юридик шахс номидан топшириладиган ариза ташкилот раҳбари ёки бошқа вакил қилинган шахс томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар аризани почта алоқаси орқали топширишда у имзолаш йўли билан тасдиқланади. Бунда тегишли маълумотлар қўшимча варакларда келтирилганда уларнинг ҳар бири имзоланади.

Ариза икки ва ундан ортиқ талабнома берувчилар томонидан топширилганда, ариза талабнома берувчиларнинг келишувига мувофиқ уларнинг бири томонидан тасдиқланади.

ЭҲМ учун яратилган дастурни идентификация қилувчи материаллар бошланғич матни (муайян дастурлаш тилида ёзилган, муайян компилятор қайта ишламаган матннинг тўлиқ ёки фрагментлари) 10 МБгача ҳажмдаги .pdf форматда тақдим қилинади. Шу билан бирга, материалларнинг таркибига уни ишлаб чиқиш давомида олинган тайёрлов материалларини ҳамда унинг томонидан ҳосил қилинадиган исталган визуал ва аудиовизуал файлларни 10 МБгача ҳажмдаги .zip форматда киритишга йўл қўйилади.

Расмий рўйхатдан ўтказилаётган маълумотлар базасини идентификация қилиш мақсадида ундаги маълумотларни тақдим этишининг объектив шакли ва мажмуавийлигининг ташкил қилганлигини ҳамда уларнинг бир тизимга келтирилганлигининг акс этиши учун мазкур маълумотлар 10 МБгача ҳажмдаги .pdf форматда тақдим қилинади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини идентификация қиладиган депонентланган материаллар объектнинг номи, хуқук эгаси ва барча муаллифлар кўрсатилган титул варагини ўз ичига олиши керак.

11. Агар рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилгунга қадар ушбу ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси эълон қилинган бўлса, хуқук эгаси аризада муаллифлик хукуқини муҳофаза қилиш белгисини кўрсатиши мумкин.

12. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси учун реферат қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг номи (аризада кўрсатилган номи билан бир хilda);
- ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг вазифаси, қўлланилиш соҳаси ва функционал имкониятлари очиб берилган аннотация (ўртacha ҳажми 700 белгидан иборат);
- ЭҲМнинг тоифаси;
- ЭҲМ учун яратилган дастур тили;
- маълумотлар базасини бошқариш тизимининг тури ва версияси;
- операцион тизим тури ва версияси;
- ж) ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳажми (килобайтда).

13. Талабномада одоб-ахлоқ ва жамоат тартибига зид иборалар, расмлар, тасвирлар ва бошқа материаллар, бошқа шахсларнинг талабномалари ёки асарларига нисбатан асоссиз ва ноўрин фикрлар, талабномага бевосита тааллукли бўлмаган ёхуд талабнома ҳужжатларини ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ деб эътироф этиш учун зарур бўлмаган маълумотлар ва фикрлар бўлмаслиги лозим.

14. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг аннота-

цияси ва материалларида илмий ва техникавий адабиётларда қўлланилган атамалар ва қисқартмалардан фойдаланилади. Бунда, илмий-техникавий адабиётларда қўлланилмайдиган атамалар ва қисқартмалар ёзилганда, уларнинг маъноси матнда биринчи марта қўлланилган ўринда тушунтириб ўтилади.

Илмий-техникавий адабиётларда илмий бўлмаган тушунчалар ва рефератда таърифловчи деб хисобланган терминлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳамма шартли белгилар очиб кўрсатилиши лозим.

### **3-боб. Талабномани топшириш**

15. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳуқуқ эгаси талабномани топшириш ҳуқуқига эга.

Талабнома Вазирликка Ахборот тизими орқали топширилади.

16. Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан талабнома Вазирликка почта орқали берилади. Бунда талабнома Вазирлик томонидан дарҳол Ахборот тизимиға киритилади.

Талабнома топширилгандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар Ахборот тизими орқали амалга оширилади.

17. Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки унинг вакили орқали топширилиши мумкин.

18. Вазирликка талабларни бузиб тақдим этилган материаллар бўйича Муассаса томонидан сўровнома юборилади ва унда сўровномада кўрсатилган муддатда тузатилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Талабнома берувчи ёки унинг вакили бўлмаган шахслар томонидан тақдим этилган материаллар кўриб чиқилмайди. Бундай материалларни топширган шахсга тегишли билдиришнома юборилади.

19. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқишида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома бериш орқали вакил тайинлаши мумкин.

Вазирлик ва Муассаса олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштириладиган ишончнома оддий ёзма равища тузилади.

Агар ишончнома хорижий тилда берилган бўлса, унга давлат тилидаги таржимаси илова қилинади.

Агар ишончнома бир нечта шахс номига берилган бўлса, у ҳолда ишлар уларнинг исталгани томонидан олиб борилиши мумкин.

### **4-боб. Талабнома ҳужжатларига қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш**

20. Расмий ахборотномада рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси тўғрисида маълумотлар эълон қилингунга қадар талабнома берувчи ўз ташабуси билан талабнома материалларига талабнома берилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг моҳиятини ўзgartирмаган ҳолда ва тегишли давлат божини тўлаш

шарти билан қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш ҳукуқига эга.

21. Талабнома материаллариға қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш талабнома берувчи томонидан тегишли аризалар ва алмаштириладиган варакларни Ахборот тизими орқали топшириш йўли билан амалга оширилади. Ариза шакллари ушбу Қоидаларга берилган 2- ва 3-иловаларда\* келтирилган.

Талабнома берувчи аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида 10 кун ичida хабардор қилинади.

Аризага талабнома материаллариға ўзгартиришлар киритиш учун давлат божи тўланади.

Белгиланган миқдордаги давлат божи тўланмаган тақдирда юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақида талабнома берувчига хабар берилади. Тўланган давлат божининг суммаси белгиланган миқдорга тўғри келмаган ҳолларда талабнома берувчи давлат божининг етмаётган қисмини Муассаса томонидан билдиришнома юборилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тўлаш ҳукуқига эга.

22. Талабнома берувчи — юридик шахснинг номи ёки талабнома берувчи — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми) ўзгартирилганда Вазирликка Ахборот тизими орқали ариза берилади ва ушбу ўзгартиришларни тасдиқловчи хужжат тақдим этилади. Ариза шакли ушбу Қоидаларга берилган 2-иловада келтирилган.

23. Вазирлик тегишли талабнома рақами ва унга киритилиши лозим бўлган тузатишлар кўрсатилган ҳолда талабнома берувчи ёки унинг вакили томонидан тасдиқланган тузатишлар киритиш тўғрисидаги аризани Ахборот тизими орқали қабул қиласи. Ариза шакли ушбу Қоидаларга берилган 3-иловада келтирилган.

24. Талабноманинг депонентланадиган материаллариға қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишларни киритиш талабнома берувчи томонидан тегишли алмаштириладиган варакларни Ахборот тизими орқали топшириш йўли билан амалга оширилади.

### **5-боб. Талабномани кўриб чиқиш**

25. Вазирликка келиб тушган талабнома материаллари, агар ушбу хужжатлар камида расмий рўйхатдан ўтказиш учун аризани ўз ичига олса ҳамда белгиланган миқдорда давлат божи тўланганда ёки тўловни тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган хужжат тақдим қилинса, улар келиб тушган сана кўрсатилган ҳолда талабнома сифатида рўйхатдан ўтказилади.

26. Вазирлик талабномани қабул қилиб, рўйхатга олганидан сўнг талабнома берувчига талабноманинг рақами, келиб тушган санаси ва Ахборот тизимида талабнома бўйича кейинги хизматлардан фойдаланиш учун кузатув коди кўрсатилган хабарномани тегишли равишда Ахборот тизими орқали

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

автоматик тарзда ёхуд почта алоқаси орқали юборади. Талабнома берувчига юборилган кузатув коди махфийлигини таъминлаш масъулияти унинг ўзига юклатилади.

Рўйхатдан ўтказилган талабнома материаллари қайтарилмайди.

27. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ талабнома келиб тушганидан сўнг керакли бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқлиги текширилади.

Текширув ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган талабноманинг келиб тушган санасидан эътиборан ўн кун ичидаги амалга оширилади.

28. Агар текширув жараёнида талабнома ушбу Қоидаларнинг талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига аниқланган камчиликлар кўрсатилган ва етмаётган ёки тузатилган маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни иккита ой муддатда тақдим этиш таклиф қилинган сўровнома юборилади.

Талабноманинг текширув муддати сўровнома юборилган санадан бошлаб мазкур сўровномага жавоб келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

29. Текширув натижасида талабнома материаллари Қонун ва мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва шу куннинг ўзида талабнома берувчига юборилади.

30. Белгиланган миқдордаги давлат божи тўлангач Вазирлик Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Дастурий маҳсулотлар давлат реестрида ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида бир иш куни ичидаги расмий рўйхатга олади ва Ахборот тизими орқали талабнома берувчига унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани электрон шаклда юборади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг расмий рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар Вазирлик томонидан автоматик тарзда унинг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Талабнома берувчининг хоҳишига кўра расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома почта алоқаси орқали кўрсатилган манзилга юборилиши мумкин.

31. Текширув натижасида талабнома материаллари Қонун ва мазкур Қоидалар талабларига зид бўлса, ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бунда, мазкур Қоидаларда (шу жумладан Муассаса сўровномасида) кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаган, шунингдек ҳужжатлар мазкур Қоидалар (шу жумладан Муассаса сўровномаси) талабларига мувофиқ тарзда расмийлаштирилмаган ҳолатлардагина зид бўлиши мумкин.

32. ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш ёхуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорда тегишли қарорни қабул қилиш асослари кўрсатилади.

33. Хабарнома, текширув натижаларининг қарорлари ва ЭҲМ учун яра-

тилган дастур ёки маълумотлар базасининг расмий рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома электрон шаклда QR-код (матрик штрихли кодли) билан тасдиқланиб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 29 майдаги  
7-мҳ-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 18 августдаги 45-сон «Электрон хисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1402, 2004 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 402-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 37-сон «Электрон хисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1402-1, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 426-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2013 йил 15 апрелдаги 68-сон «Электрон хисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1402-2, 2013 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 19-сон, 243-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**190**

**Алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3437*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 май,  
13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил  
25 майдаги 13-сон буйруфига  
ИЛОВА

**Алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида беморлар томонидан  
олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни  
ишлатишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлик-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 июняда эълон қилинган.

ни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида» 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон карорига мувофиқ Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш тизимиға ўтказилган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида (бундан буён матнда тиббиёт муассасаси деб юритилади) алоҳида ҳолатларда bemорлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга нисбатан татбик этилади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алоҳида ҳолатлар** — тиббиёт муассасасига даволаниш учун келган bemорлар томонидан уларнинг тегишли асосий касалликларини, шунингдек уларда олдиндан мавжуд бўлган ёндош сурункали ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларни даволаш учун шифокор томонидан ёзилган рецепт асосида шу кунга қадар қабул қилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тиббиёт муассасасига фойдаланиш мақсадида олиб келиниши;

**ёндош сурункали ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликлар** — сил, ўсма касалликлари, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, мохов, руҳий касалликлар, юрак-қон томир касалликлари, эндокринологик ва наркологик касалликлар.

3. Тиббиёт муассасасида bemорларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш харажатлар сметаси бўйича ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети доирасида бепул, қолган ҳолларда пулли асосда шифохонага кирим қилинган нархларда амалга оширилади.

Бунда, bemорлар тиббиёт муассасасига даволаниш учун келганда, улар ўзларининг асосий касалликларини, шунингдек уларда олдиндан мавжуд бўлган ёндош сурункали ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларни даволаш учун шифокор томонидан ёзилган рецепт асосида шу кунга қадар қабул қилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларни (бундан буён матнда дори воситалари ва тиббий буюмлар деб юритилади) тиббиёт муассасасига фойдаланиш мақсадида олиб келиши мумкин.

## **2-боб. Беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш, уларни сақлаш ва қўллаш**

4. Беморлар томонидан тиббиёт муассасасига олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат беришда даволовчи шифокор томонидан:

ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларнинг шифокор томонидан ёзилган рецептда кўрсатилганлиги;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўрамида кўрсатилган яроқлий муддати, бирламчи ва иккиламчи ўрамдаги маълумотларнинг мос келиши, ташқи кўринишининг бутлиги;

беморнинг хозирги ҳолатидаги касалликнинг тури ва оғирлик даражаси, касалликнинг кечиши, bemорнинг ёши, вазни, шунингдек дори воситалари-

нинг тиббиётда қўлланилишига доир йўрикномаларида кўрсатилган қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ҳамда дори воситаларининг ўзаро таъсирлашуви тўғрисидаги маълумотлар текширилади.

Бунда, беморлар томонидан тиббиёт муассасасига олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар ушбу банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга жавоб берганда, даволовчи шифокор томонидан шу тиббиёт муассасасининг тор мутахассиси билан маслаҳатлашилган ҳолда мазкур дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат берилади.

5. Бемор томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса, ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат берилмайди.

6. Беморлар томонидан олиб келинган ва алоҳида сақлаш шароитларини талаб этмайдиган дори воситалари ва тиббий буюмлар бемор жойлаштирилган хонада сақланади.

Алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар эса тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақланади.

7. Тиббиёт муассасасининг даволовчи шифокори беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сарфланиши бўйича маълумотларни ҳар куни касаллик тарихига қайд этиб боради ҳамда киритилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

**3-боб. Тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор, бўлим ҳамшираси) ва bemorlarning дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тиббиёт муассасасига олиб келиниши ҳамда ишлатилишидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Қўйидагилар тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор ҳамда бўлим ҳамшираси)нинг ҳуқуклари ҳисобланади:

беморлар томонидан тиббиёт муассасасига олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган бўлса, ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақлаш учун bemorlarдан талаб қилиб олиш;

беморлар томонидан тиббиёт муассасасига шифокор рецептида кўрсатилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар олиб келинган тақдирда, ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт муассасасига қабул қилмаслик ҳамда ишлатишга рухсат бермаслик.

9. Қўйидагилар тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор ҳамда бўлим ҳамшираси)нинг мажбуриятлари ҳисобланади:

бемор томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган бўлса, ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақлаш;

бемор томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар тиббиёт муассасасининг дори воситалари ва тиббий буюмлари, шунингдек бошқа bemor томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан аралашиб кетмаслигини таъминлаш;

10. Беморларнинг хуқуқлари қўйидагилар ҳисобланади:

мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган дори воситалари ва тиббий буюмларни ўзлари билан тиббиёт муассасасига олиб келиш;

ўзлари билан олиб келган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган бўлса, ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақланнишини тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор ҳамда бўлим ҳамшираси)дан талаб қилиш;

ўзлари билан олиб келган ҳамда тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақланган дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт муассасаси ходимларидан (бош шифокор, бўлим ҳамшираси) талаб қилиб олиш.

11. Беморларнинг мажбуриятлари қўйидагилар ҳисобланади:

ўзлари билан олиб келган дори воситалари ва тиббий буюмларни (агар улар алоҳида сақлаш шароитларини талаб этмаса) тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор ҳамда бўлим ҳамшираси)нинг текширувидан ўтказган ҳолда муолажа хонасида сақлаш чорасини кўриш;

ўзлари билан олиб келган дори воситалари ва тиббий буюмларни (агар улар алоҳида сақлаш шароитларини талаб этса) тиббиёт муассасасининг муолажа хонасида (шу жумладан ушбу хонадаги музлатгичда) сақлаш учун тиббиёт муассасаси ходимлари (даволовчи шифокор, бўлим ҳамшираси)га топшириш.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

12. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕММОЛЧИЛАР  
ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҖАРОРИ

**191 Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 6 октябрдаги 14-сон қарори (рўйхат рақами 2147, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 357-модда) билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Монополияга қарши курашиб қўмитаси» деган сўзлар «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 май,  
04/05-05/01-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

2023 йил 18 май

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
РАҶОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЬМОЛЧИЛАР  
ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚўМИТАСИННИГ  
ҖАРОРИ

**192** Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 10 февралдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2196, 2011 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-банди иккинчи хатбошисидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Raқobatni rivожлантириш ва иsteъmolchilar huquqlarini himoya qiliish qumitasasi» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. ШАРАХМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 май,  
06/05-05/01-сон

*Келишилди:*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

2023 йил 22 май

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**193 Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2749-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи хокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 16 декабрдаги 20, 39 ва 105-сон қарори (рўйхат рақами 2749, 2016 йил 6 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилисин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2023 йил 22 май,  
 10-сон

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
 2023 йил 20 май,  
 27-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт ва молия вазири****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 май,  
13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 22 майдаги  
10-сон, Ички ишлар вазирлигининг  
2023 йил 20 майдаги 27-сон, Иқтисодиёт ва  
молия вазирлигининг 2023 йил 16 майдаги  
13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро обьектларида  
хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган  
фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

- а) «в» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «ва Молия вазирлигининг» деган сўзлар «ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- б) «в» кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ва Молия вазирлигига» деган сўзлар «ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- в) «г» кичик банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Фуқаролар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қарори кучга киргандан сўнг, у 2 кун ичida Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, шунингдек мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларига юборилади.».

3. 4-илова матnidаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
 ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**194**

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига  
 «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул  
 қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
 низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34 ва 27-2017-сон қарори (рўйхат рақами 2995, 2018 йил 5 апрель) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 06.04.2018 й., 10/18/2995/1020-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандидаги «Давлат тест марказига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2023 йил 24 май,  
 12-сон

**Олий таълим, фан ва  
 инновациялар вазири**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
 2023 йил 23 май,  
 4-қ/қ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**195** **Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва  
сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналар ҳуду-  
дидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тарти-  
би тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3026-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 мартағи ЎРҚ-823-сон «Ўзбе-  
кистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға қўшимча ва ўзгартиш-  
лар киритиш тўғрисида»ги Конунининг 5-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 15 май-  
даги 135-сон буйруфи (рўйхат рақами 3026, 2018 йил 26 июнь) (Конун хуж-  
жатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018 й., 10/18/3026/1408-сон)  
билин тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва  
сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қа-  
моққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2  
ва 3-иловалари матнидаги «шаҳар-туман маъмурий ишлар бўйича судининг»  
деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг» деган сўзлар  
билин алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 19 май,  
263-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**196** Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3438*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик **буюраман:**

- Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Мазкур буйруқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 30 май,  
15-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

2023 йил 30 май

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 июня эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил  
30 майдаги 15-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси орқали  
молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат  
стационар тиббиёт муассасаларида bemорларни дори воситалари  
ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида bemорларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш тизимига ўтиказилган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида (бундан буён матнда тиббиёт муассасаси деб юритилади) bemорларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан тиббиёт муассасаси орқали таъминлашга нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дори воситалари** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

**ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмлар** — ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш учун талаб юқори бўлган ва аҳоли, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўп фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббий буюмлар;

**тиббий буюмлар** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар;

**тиббиёт муассасасининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси** (бундан буён матнда Доимий фаолият кўрсатадиган комиссия деб юритилади) — тиббиёт муассасасида ташкил этиладиган ва ижтимоий аҳа-

миятга эга дори воситалари ҳамда тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни хисоблаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган, уларни харид қилиш, хисобга олиш, тақсимлаш ҳамда қўллашни назорат қиладиган комиссия.

3. Доимий фаолият кўрсатадиган комиссия тиббиёт муассасаси раҳбарининг буйруғи билан мазкур тиббиёт муассасасининг малакали мутахассисларидан камида беш кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

4. Тиббиёт муассасасида беморларни дori воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш харажатлар сметаси бўйича ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дori воситалари пакети доирасида бепул, қолган ҳолларда пулли асосда тиббиёт муассасасига кирим қилинган нархларда амалга оширилади.

## **2-боб. Тиббиёт муассасаларида дori воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш**

5. Тиббиёт муассасаларида дori воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёж ҳар йил учун алоҳида ҳар бир дori воситаси ва тиббий буюм бўйича шакллантирилади.

6. Дori воситалари ва тиббий буюмларга (бундан ижтимоий аҳамиятга эга дori воситалари ва тиббий буюмлар мустасно) бўлган эҳтиёжни аниқлаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

а) биринчи босқич — тиббиёт муассасасининг ҳар бир бўлими ўз фаолият туридан ҳамда ўтган давр учун беморларни таъминлаш мақсадида сарфланган дori воситалари ва тиббий буюмлар миқдоридан келиб чиқиб, ўзининг келгуси йил учун эҳтиёжини аниқлайди ҳамда ҳар йили 30 ноябрга қадар тегишли тиббиёт муассасасининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тақдим этади;

б) иккинчи босқич — Доимий фаолият кўрсатадиган комиссия ҳар йили 20 декабря қадар бўлимлардан олинган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ҳамда тиббиёт муассасасидаги шифо ўрни, даволанган беморлар ҳамда уларнинг ўртача даволаниш кунлари, даволаш стандартлари, клиник қўлланмалар, шунингдек кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда тиббиёт муассасасининг ўйғма эҳтиёжини шакллантиради.

Тиббиёт муассасаларида дori воситалари ва тиббий буюмларга бўлган ўйғма эҳтиёж ҳар йили 25 декабря қадар тиббиёт муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

7. Тиббиёт муассасаларида дori воситалари ва тиббий буюмларга (бундан ижтимоий аҳамиятга эга дori воситалари ва тиббий буюмлар мустасно) бўлган эҳтиёж қўйидаги формула бўйича аниқланади:

**Э = С x Б x В** бунда:

Э — дori воситалари ва тиббий буюмларга бўлган ўйллик эҳтиёж;

С — бир нафар беморга бир кунлик даволаш учун сарфланадиган дori воситалари ва тиббий буюмлар миқдори;

Б — бир нафар беморда ўтказиладиган даволаш курслари давомийлиги;

В — даволаш учун дори воситаси ва тиббий буюм қўлланиладиган беморларнинг йиллик сони (касалланиш).

8. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёж Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 741-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларга эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

Бунда, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари таркибига кирадиган наркотик ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

### **3-боб. Тиббиёт муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмларни харид қилиш ва сақлаш**

9. Тиббиёт муассасалари томонидан дори воситалари ва тиббий буюмлар мазкур тиббиёт муассасаларида аниқланган йиллик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ харид қилинади.

10. Тиббиёт муассасаси томонидан яроқлилик муддати 12 ойдан кам бўлмаган дори воситалар ва тиббий буюмлар харид қилинади.

Бунда, харид қилинадиган дори воситаларининг нархи белгиланган ултуржи референт нархларидан юқори бўлмаслиги лозим.

11. Харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар тиббиёт муассасанинг дорихонасида СанҚваН-0337-16 «Дорихоналар тузилмаси, жиҳозлари ва фаолият юритиши учун санитария қоидалари ва меъёрлари» талабларига мувофиқ сақланади.

### **4-боб. Тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш**

12. Тиббиёт муассасасининг дорихонасидан дори воситалари ва тиббий буюмлар тиббиёт муассасасининг бўлимларига мазкур бўлимларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг талабномаси асосида уч кунлик ҳажмда берилади.

13. Тиббиёт муассасасининг бўлимларига дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тақсимланиши бўйича ҳар бир ҳолат Доимий фаолият кўрсатадиган комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади.

14. Беморларга Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилмаган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қиймати bemornining ўз маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасасининг разнагига тўлов қилиш орқали қопланади.

15. Тиббиёт муассасасининг дорихонасидан тиббиёт муассасаси бўлимлари эҳтиёжи учун олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ки-

рим-чиқими ва ҳисоби бўлим катта ҳамшираси томонидан компьютерда маҳсус электрон дастур ёрдамида юритилади.

16. Бўлим ҳамширалари шифокор тавсияси бўйича бемор учун сарфланган дори воситаси ва тиббий буюмлар миқдорини ушбу дори воситалари ва тиббий буюмлар беморга қўлланилган вақтнинг ўзида беморнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда касаллик тарихининг тартиб рақами бўйича маҳсус электрон дастурга киритиб қўяди.

17. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг кирим-чиқими ва сарфланиши бўйича маълумотларнинг маҳсус электрон дастурга ўз вақтида киритилиши учун бўлим мудири шахсан жавобгар ҳисобланади.

18. Тиббиёт муассасаларида харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг кунлик қолдиги ҳамда нархлари манбалар кесимида тиббиёт муассасаларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади ҳамда мунтазам янгилаб борилади.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

19. Тиббиёт муассасаларида беморларга белгиланган тартибда тиббий ёрдамни ташкил этиш, уларни тиббиёт муассасаси томонидан дори воситалари ва тиббий буюмлар билан талаб даражасида таъминлаш учун тиббиёт муассасасининг раҳбари ва ушбу муассаса дорихонасининг мудири жавобгар ҳисобланади.

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ  
 ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**197 Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш  
 марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тар-  
 тиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 4 июндаги 19-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 5-К/Қ-сон, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил 2 июнда-ги 11-2022-сон, Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 2-сон, Транспорт вазирлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-сон қарори (рўйхат рақами 3371, 2022 йил 13 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2022 й. 10/22/3371/0519-сон) билан тасдиқланган Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2023 йил 13 май,  
 8-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 июнда эълон қилинган.

**Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 май,  
10-2023/ққ-сон

**Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазири**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 3 май,  
2-қ/қ-сон

**Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири**

**Б. ЗАКИРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 май,  
2-сон

**Транспорт вазири**

**И. МАҲКАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 5 май,  
3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 13 майдаги  
8-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлигининг 2023 йил 12 майдаги  
10-2023/ққ-сон, Олий таълим, фан ва инновация-  
лар вазирлигининг 2023 йил 3 майдаги  
2 қ/қ-сон, Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги  
2-сон ва Транспорт вазирлигининг 2023 йил  
5 майдаги 3-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш  
марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби  
тӯғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. З-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«З. Талабгорлар танловда туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш  
ва бандликка кўмаклашиш бўлими (бундан буён матнда Камбағалликни  
қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими деб юритилади) томонидан  
берилган йўлланма асосида иштирок этади.».

2. 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Талабгорлар танловга йўлланма олиш учун доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, ариза Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимининг масъул ходими томонидан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнат органларига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган «Бандлик хизмати» ахборот тизимига киритилади.».

3. 5-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилари, 12-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи «АБКМ» қисқартмаси «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 6-банддаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«комиссия аъзолари** — тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси вакили, шунингдек Марказнинг масъул ходимлари.».

6. 35-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, ҳар бир йўналиш бўйича ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.».

7. 40-банддаги «АБКМнинг» қисқартмаси «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 50-банднинг иккинчи хатбошисидаги «АБКМларга» қисқартмаси «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'l'm, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023-yil 24-maydag'i 5-q/q-son hamda Adliya vazirligining 2023-yil 27-maydag'i 2-ton "Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori.

**2023-yil 29-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2780-5.**

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 майдаги 14-сон «Алкоголь махсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги бўйруфи.

**2023 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3435.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 10 майдаги 11/2-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 5 майдаги 11-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-11.**

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 29 майдаги 7-мҳ-сон «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруфи.

**2023 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3436.**

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 25 майдаги 13-сон «Алоҳида ҳолатларда тиббиёт муассасасида bemorлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги бўйруфи.

**2023 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3437.**

6. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 23 майдаги 04/05-

05/01-сон «Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш хақида»ги қарори.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-3.**

7. Ўзбекистон Республикаси рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 25 майдаги 06/05-05/01-сон «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил (ўрганиш, кўрик) ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-3.**

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 22 майдаги 10-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 20 майдаги 27-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 16 майдаги 13-сон «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро обьектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2749-2.**

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 24 майдаги 12-сон ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 23 майдаги 4-қ/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чакириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-2.**

10. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 19 майдаги 263-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги бўйруғи.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3026-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 30 майдаги 15-сон «Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молия-лаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида bemorларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи.

**2023 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3438.**

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 13 майдаги 8-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 12 майдаги 10-2023/ққ-сон, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 3 майдаги 2-қ/қ-сон, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 2-сон ва Транспорт вазирлигининг 2023 йил 5 майдаги 3-сон «Курилиш соҳаси малакали мутахассислари-

ни тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2023 йил 2 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-1.*